



Мазкур онлайн курс Америка Кўшима Штатлари Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) кўмагида тайёрланди. Курс мазмуни бўйича масъулиятни TetraTech DPK (ТетраТекДПК) компанияси ўз зиммасига олади ва у USAID ёки АҚШ хукуматининг позициясини ифодаламайди.

**“ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ”**

мавзусидаги

ОНЛАЙН КУРС

Муаллиф: Гулмира ШУКУРОВА – “Ўзбекистонда хорижий тиллар” номли илмий электрон журнал ва портал директори, ЎзЖОКУ ўқитувчиси.

КИРИШ

Ушбу онлайн курс мақсади – тингловчиларда суд ҳокимиятининг моҳияти, вазифалари, Ўзбекистонда суд тизими, жамоатчилик назорати шакл ва услублари, суд ҳокимияти очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашда ва самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) ўрни ва имкониятлари ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

Вазифалари:

- суд ҳокимиятининг моҳияти, вазифалари, Ўзбекистонда суд тизими тузилиши, суд-хуқуқ ислоҳотлари мазмун-моҳияти миллий суд тизими

очиқилиги ва шаффоғлигини таъминлашда ОАВнинг роли ҳақида тингловчиларга маълумот бериш;

- мамлакатда суд-хуқуқ ислоҳотларининг меъёрий-хуқуқий базаси, судлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда ОАВ салоҳиятини ошириш йўлларини кўриб чиқиш;

- фуқаролик жамияти, унинг шакл, обьект ва субъектларини шакллантириш ва ривожлантиришда жамоатчилик назоратининг ўрни кўрсатиш; Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг хуқуқий соҳаси ва ОАВнинг жамоатчилик назоратини таъминлаш инструменти сифатидаги имкониятларини аниқлаш;

- жамоатчилик назоратини таъминлашда журналистик суринширув имкониятларини кўриб чиқиш, журналистик суринширувни ташкиллаштириш ва ўтказиш технологиясини тушунтириш;

- ОАВнинг суд-хуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорлик шакл ва тамойилларини аниқлаш; суд жараёнларини ёритиш бўйича халқаро тажриба ва миллий этика меъёрлари танишиш;

- қасбий фаолиятни амалга оширишда журналист дуч келадиган хавфлар, хавфсизлик омиллари ва гендер жиҳатлари билан танишиш.

1- МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ТИЗИМИ ВА ОАВ.

1.1. Суд ҳокимияти моҳияти ва фаолияти. Ўзбекистон Республикасида суд тизими.

1.2. Ўзбекистонда суд ислоҳотлари.

1.3. ОАВ Ўзбекистонда суд тизими шаффоғлигини таъминловчи омил сифатида.

1.1. Суд ҳокимияти моҳияти ва фаолияти. Ўзбекистон Республикасида суд тизими

Суд ҳокимияти – ҳокимиятлар бўлиниши қоидасига кўра, давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан бир қатордаги) тармоғи. У инсон ва фуқаролик хуқуқлари ҳимояси, жамиятда қонуний манфаатлар муҳофазаси, хуқуқий тартибот назорати, хуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасидаги можароларни ҳал этишга қаратилади.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Судларнинг асосий вазифаси – фуқаролар ва юридик шахслар хуқуқ ҳамда эркинликларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Суд ҳокимияти органлари одатда асосий вазифаси адолатни таъминлайдиган давлат органлари тизими бўлиб, бошқача айтганда, булар суднинг фуқаролик, маъмурий, жиноий, хўжалик ва ҳарбий низоларни процессуал тарзда кўриб чиқувчи ва фуқароларнинг хукуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қарорлар қабул қилувчи органларидир.

Суд тизими деганда, одатда, уларнинг ваколати, мақсад ва вазифаларига мувофиқ қурилган судлар мажмуй тушунилади. Суд тизими адолат ва қонунийликни ўрнатишга қаратилган кўплаб вазифаларни амалга оширади. Ҳар бир мамлакат ўзининг тарихан ташкил топган суд тизимига ега.

Суд ҳокимияти вазифалари

Суд ҳокимияти функцияларидан қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- маъмурий, фуқаролик, конституциявий, жиноий, хўжалик ва ҳарбий масалаларни процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **таҳлил қилиш**;

- **хуқуқий нормаларни шарҳлаш**, прецедентлар яратиш (шу каби ҳолатлар, мисоллар) ҳамда суд-хуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш;

- **юридик фактларни тасдиқлаш**;

- **ваколатларни назорат қилиш**;

Ўз навбатида функциялар *асосий ва қўшимчаларга бўлинади*:

Асосий функциялар – Одил судловни бошқариш, конституциявий назорат.

Суд ҳокимияти мавжуд бўлган барча даврларда ҳам унинг асосий вазифаси содир этилган жиноий қилмишга доир низо ёки жиноий ҳаракатни кўриб чиқиши вақтида қонунни амалда қўллашдан иборат бўлган. Шу билан бирга, суд фуқароларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинадиган хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши керак.

Қўшимча функциялар – давлат органлари фаолиятининг қонунийлиги ва конструктив тартибга солинишини назорат қилиш, ҳукмларни ижро этиш, суд корпсунини яратишда иштирок этиш.

Суд ҳокимиятининг назорат функцияси Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган барча даражадаги қонун ва қоидаларнинг Конституция қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш шаклида олиб борилади. Шунингдек, улар маҳаллий вакиллик ва барча ижро этувчи

органлар қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш шаклида амалга оширилиб, давлат бошқаруvida:

- фуқаролар ва ташкилотларнинг органлар (мансабдор шахслар) нинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларига, уларнинг хуқуқ ва эркинликларининг бузилишига, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қарорларига нисбатан шикоят ва эътиrozларини кўриб чиқиш;
- жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов сифатини текшириш;
- ноқонуний хуқуқий бошқарув ҳужжатларининг тан олингандиги бўйича шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш;
- ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида жиноий, фуқаролик, маъмурий ишлар, хўжалик низоларни кўриб чиқишидаги қонунийлик ва тартиб, уларни ҳал этиш бўйича хуқуқий бошқарув ҳужжатларининг қонунийлиги текширилади.

Суд ҳокимиятининг назорат қилиш фаолияти қуидагиларни ҳам ўз ичига олади:

- жазо ҳукми ва бошқа суд қарорларининг ижросини таъминлаш;
- суд қуий органларининг маъмурий хуқуқбузарликлар бўйича ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;
- суд амалиёти масалаларига оид амалдаги қонун ҳужжатларини аниклаштириш;
- Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси хуқуқининг амалга оширилиши;
- суд корпусини шакллантиришда иштирок этиш ва суд жамоатчилик органларини тузишда ҳамкорлик қилиш.

Барча ижро этувчи ва давлат бошқаруви органлари ҳаракатлари ва қарорларининг асосланганлиги, қонунийлигини, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш, жиноятда гумон қилинувчиларни ушлаб туриш, уларни ҳибсга олиш, фуқароларнинг ёзишмалари, телефон сұхбатлари, почта ва бошқа хабарларни, шунингдек, уй-жой дахлсизлиги, жиноий ишни тўхтатиш хуқуқи билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш ва назорат қилиш каби ҳолатлар суд ҳокимиятининг қарорлар қабул қилишда мустақил эканлигини кўрсатади.

Суд тизими – бу ўз ваколати ҳамда олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда шаклланган судлар мажмуасидир.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими қуидаги таркиб топган:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди (2017 йил февраль ойидан Олий хўжалик суди билан бирлашган);

- ҳарбий судлар;
- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари;
- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари;
- жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;
- туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари;
- туман (шаҳар) маъмурий судлари;
- ҳакамлик судлари.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтинослашуви амалга оширилиши мумкин.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Суднинг вазифалари. Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги. Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Қонун ва суд олдидаги тенглик. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир.

Суд тизимини аниқлаштирувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлиб, унинг **107-моддаси** судларга бағищланган:

“Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туман, шаҳар маъмурий судларидан иборат. Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди”.

Шунингдек, Конституциянинг **108–116 моддаларида** Конституциявий ва Олий судларнинг мақоми кўрсатилган. Конституциянинг **108-** ва **109-моддаларида** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мақоми белгилаб берилган. Унга ҳеч қайси суд ҳисбот бермайди. Аммо Конституциявий Суднинг қарорлари бошқа судларнинг фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устуворлигини таъминлаш мақсадида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг конституциявийлиги устидан суд назоратини амалга оширади (ЎзР Конституцияси 108-модда).

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда Конституциявий суднинг етти нафар судьясидан иборат бўлади.

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланади.

Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати — **беш йил**.

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

Конституциявий суднинг судьялари сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг судьялари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас.

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассиси бўлган, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суд ҳамда унинг судьялари ўз фаолиятида **мустақилдир** ва фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунади.

Конституциявий суднинг судьяси Конституциявий суднинг розилигисиз жиной ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек қамоқقا олиниши мумкин эмас.

Конституциянинг устунлиги, мустақиллик, коллегиаллик, ошкоралик, тарафларнинг тортиншуви ва менг ҳуқуқлилиги Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплариdir.

Конституциявий суднинг ваколатлари:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, давлатларо шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, халқaro шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

- Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хulosha beradi;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ beradi;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суд конституциявий судлов ишларини юритаётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатларига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди.

Конституциявий суднинг мажлислари, қоида тариқасида, **очик** ўтказилади. Суд раисининг қарори билан ОАВ вакилларининг мажлислар залига киришига рухсат берилади.

Конституциявий суднинг ҳужжатлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун **мажбурийдир**.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасида **қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга**.

Конституциявий суднинг фаолият тартиби унинг Регламенти билан белги Конституциявий судда **масалаларни қўриб чиқиш муддатлари** қуидагича:

Агар олинган материаллар қўйилаётган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд улар олинган кундан эътиборан *етти кунлик* муддатдан кечиктирмай масалани ўрганиб чиқишига киришилади.

Қўриб чиқилаётган масала юзасидан ҳужжат тегишли материал олинган пайтдан эътиборан кечи билан *уч ой ичida* Конституциявий судда қабул қилинади.

Хозирги кунда Конституциявий суд Президент қарорлари ва топшириқларининг Конституцияга мувофиқлигини ҳам текширади. Илгари Конституциявий суд ҳукумат раҳбарининг фармонларини текшириш ваколатига эга эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қуи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида қўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида қўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раис, унинг биринчи ўринbosари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси ҳамда раис ўринbosарлари — фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлов

ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяларидан иборат бўлади ҳамда қуидаги таркибда иш олиб боради.

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;
- Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;
- Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
- Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати;
- Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари, судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун хужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;
- суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади;
- судларнинг кадрлари малакаси оширилишини ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати энг юқори судлов инстанцияси ҳисобланади. У ишларни назорат тартибида кўриш; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқиш, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун хужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маъруза/ҳисботларини тинглаш ва қонунга мувофиқ бошқа ваколатларга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ва аппаратининг ишини ташкил этиш масалаларини ҳам кўриб чиқади.

2017 йил февралида Олий суд ва Олий хўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий, хўжалик ва ҳарбий иш юритиш соҳасида ягона Олий суд ҳокимиюти – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Ҳарбий суд тизими Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва худудий ҳарбий судлардан иборат.

Ҳарбий судларнинг таркиби:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Ҳудудий ҳарбий судлар эса туман суди ҳуқуқида иш олиб боради ва раис, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади.

Ҳарбий суд қуидаги масалаларни кўриб чиқади:

- ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишлари;
- мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар;
- алоҳида ҳолатлар туфайли умумий судлар фаолият кўрсатмайдиган жойлардаги барча фуқаролик ва жиноят ишлари.

Авваллари, ҳарбий суд судьялари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига киритилган бўлса, Президентнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармонига кўра, эндиликда ҳарбий судларнинг штат бирликлари Олий суд тизимига ўтказилди.

Умуман олганда, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2017 йил 12 апрелдаги №428-сонли ЎзР Қонунга кўра, судлар тузилиши ва таркибига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди ва такомиллаштирилди.

1.2. Ўзбекистонда суд-хуқуқ ислохотлари

Мамлакатни янада ривожлантиришнинг устувор ўйналишларидан бири суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни инсон хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистонда бевосита демократик ислоҳотларни амалга оширишга, қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шахс хуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришни кўзда тутади.

Пировард мақсад эса ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

“Асосий мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимиға бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат қўрғони”га айлантиришдан иборатдир”, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев.

Мустақил Ўзбекистонда 1992 йил 8 декабрда Конституциянинг қабул қилиниши суд тизимининг янгиланишига турткি бўлган эди. Ўзбекистонда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига қамрайди ва бу давр суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг – ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу даврда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида зарурӣ институционал ва қонунчилик асослари яратилди. Шу жумладан, суд-хуқуқ тизимининг конституциявий кафолатлари ва жиноят-процессуал механизmlари таъминланди. Давлат ҳокимияти тизимида мустақил судлов ҳокимияти тизими ташкил этилиб, унинг жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги пойдевори шакллантирилди. Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институтлар фаолияти йўлга қўйилди. Суд жараёнида айлов ве ҳимоя тенглигини таъминлашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизmlари яратилди. Апелляция тартибида иш юритиш жорий этилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинди. Умумий юрисдикциядаги, ҳамда хўжалик судларининг фаолияти 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонун билан бошқарила бошланди. Мазкур ҳужжатда судьяларнинг мустақиллиги белгилаб берилди. Мамлакат суд-хуқуқ тизимидағи янги вазифаларни амалга ошириш мақсадида 1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2000 йил 14 декабрда бўлиб ўтган тўртинчи сессиясида “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда

қабул қилинди ва унга умумий юрисдикциядаги ихтисослашган, яъни фуқаролик ва жиной ишлар бўйича судларни ташкил этиш масаласи киритилди. Шундай қилиб Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлараро (шаҳар) судлари; Қорақалпоғистон Республикаси жиной ишлар бўйича Олий суди, жиной ишлар бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлараро (шаҳар) судлари ташкил этилди. 2001 йил 1 январдан Ўзбекистонда фуқаролик ва жиной ишлар бўйича судлар алоҳида-алоҳида фаолият юрита бошладилар.

Айнан шу даврда суд ишларини аппеляция тартибида кўриб чиқиш амалиёти киритилади.

Суд-хуқуқ ислоҳотидаги **иккинчи босқич** 2001-2010 йилларни ўз ичига олади. Мазкур йиллар фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш, қонунчилик, суд-хуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш даври бўлди. Бу даврда қонунчилик амалиётига биринчи марта жиноят ишларини судда кўриш жараёнига эришилганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод этиш институти киритилди. Бу даврда давлат раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги фармонига кўра, 2008 йил 1 январдан эътиборан қамоқقا олишга санкция бериш хуқуқи судларга ўtkazildi. Унинг асосида 2007 йил 11 июлда “Қамоқقا олишга санкция бериш хуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти Қонун қабул қилиниб, қамоқقا олишга санкция бериш хуқуқи судлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шулар қаторида мол-мulkни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Ҳимоячининг хуқуқий мақоми такомиллаштирилиб, адвокатнинг ишда иштирок этиш тартиби енгиллаштирилди ва унинг ваколат доираси кенгайтирилиб, далиллар тўплаш хуқуқига эга бўлди.

Суд-хуқуқ ислоҳотларининг **учинчи босқичи** 2011-2016 йилларни ўз ичига олади. Амалдаги босқичда суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш ва судлов жараёнини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу даврда судья лавозимларига номзодларни танлаш ва тайёрлашнинг ташкилий-хуқуқий механизmlари тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари ишлаб чиқилди.

Хусусан, судлар жиноят ишини қўзғатиш хуқуқига эга субъектлар доирасидан чиқарилди. “Хабеас корпус” институти кенгайтирилиб, айланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш хақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш судлар ваколатига

үтказилди. Суд мажлиси жараёнида айлов хulosаси суд эмас, прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши белгиланди. Бунда 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасида белгиланган эҳтиёт чоралари доираси кенгайтирилди. Миллий қонунчиликда уй қамоғи тарзидағи эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидағи эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилди. Бундан ташқари, 2015 йил 11 августдан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун асосида жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, судьялар ҳамда суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, судьялар малакасини ошириш ва судларнинг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, судьяликка номзодларни тайёрлаш, уларнинг билим ҳамда малакасини ошириш бўйича Республика юристлар малакасини ошириш марказида маҳсус курс ташкил этилди.

Суд-хуқуқ тизимиға замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш бўйича ҳам тизимли ишлар қилинган. Хусусан, 2012 йил 10 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида, судлар фаолиятини компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизими ҳамда ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар қўламини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш чоралари кўрилди.

Ушбу босқичда мамлакат аҳолиси фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, ушбу судлар эса чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ҳамда бошқа суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имкониятига эга бўлишди. Яъни, “E-SUD” (<http://v3.esud.uz/>) миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди ва ишга тушурildi.

“E-SUD” ахборот тизими – жисмоний ва юридик шахсларга фуқаролик ишлари бўйича судларга ариза ва даъво аризалари билан электрон равища мурожаат қилиш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади .

“E-SUD” ахборот тизимининг асосий мақсад ва вазифалари қуидагилардан иборат:

- замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали фуқаролик ишлари бўйича судларнинг фаолият самарадорлигини ошириш;
- судлар фаолияти ҳақида маълумот тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш;
- суд тизимида интерфаол хизматларни тақдим этиш;
- фуқароларнинг судларга мурожаат этиш бўйича конституциявий хукукларидан кенг фойдаланиш учун имкон яратиш;
- судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш;
- одил судловни кенг жорий этиш учун шарт-шароит яратиш;
- фуқаролик судларида ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш;
- судларда қоғозсиз хужжат айланишини жорий этиш.

“E-SUD” ахборот тизими орқали жисмоний ва юридик шахсларга қуидаги интерактив хизматлар кўрсатилади:

- Фуқаролик ишлари бўйича судларга ариза ва даъво аризаларини юбориш;
- Суд мажлиси ўтказиладиган сана ва вақти бўйича маълумот олиш;
- Суд хужжатлари ва чақирув қоғозларини электрон равища олиш;
- Суд иши бўйича материаллар билан танишиш;
- Судлар тўғрисида маълумот олиш ва ҳ.к.

Суд-хукуқ ислоҳотларининг **тўртинчи босқичи** эса 2017 йилдан бошланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясининг** иккинчи йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилишга бағишлиланган бўлиб, унда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Бу давр илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судларининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ташкил этилиб, улар фуқароларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-харакатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш

хуқуқларининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлайди.

Хусусан, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгashi ташкил этилди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Мазкур Кенгашнинг:

- судьялар корпусини шакллантириш;
- судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- судьяларни касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш;
- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;
- суд-хуқуқ соҳасидаги қонун хужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хулоса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш каби вазифалари белгиланди.

Бундан ташқари, Олий суд хузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази Судьялар олий кенгashi хузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази сифатида ўзgartирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилиб, уларга оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек

маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилиб, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишига ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Янгидан ташкил этилган судларни тўлдириш учун Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг қўшимча 560 та штат бирлиги, шу жумладан 318 та судьялик штат бирлиги ажратилди.

2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, чинакам мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга

Олий суд хузуридаги Департаментга эса судларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни кўриш, уларни моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнат шароитларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши вазифалари юклатилди.

Шунингдек, жиноий жараёнда ижтимоий хавфи юқори бўлмаган жиноятлар учун судгача ва суд муҳокамасининг соддалаштирилган тартиби жорий этилиб, бундай ҳолларда қамоқقا олиш жиноий жазоси озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини кенгайтириш билан бекор қилинди.

Нотариал тизим босқичма-босқич фуқаролик ва иқтисодий низоларнинг олдини олиш институти сифатида фаол бюджетдан ташқари моделга ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдирилган таклифлар асосида Олий Мажлис хузурида **Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қўмаклашиш комиссияси** ташкил этилди. Бу комиссия одамлардан келиб тушаётган мурожаатлар, ҳалқ билан бевосита учрашув ва мулоқот жараёнида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, парламент сўрови орқали ҳаққоний вазиятни таҳлил қилиш, Олий суд ва Судьялар олий кенгashi билан бирга муаммоларни ҳал этиш чораларини кўради.

“Хабеас корпус” институтини жорий этиш ва тергов олиб боришда суд назоратини кучайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиб, тинтуб

ўтказишига ва жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларнинг телефондаги мулоқотларини эшитиб туришига санкция бериш ҳукуқи судларга ўтказилди.

Айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда 2018 йил 14 майда “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3723-сон Қарори эълон қилинди. **Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликини ривожлантириш концепцияси** қабул қилинди.

Жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич ракамлаштиришига ўтишига қаратилган “Электрон жиноят иши” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор ташкилотлараро маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритишни автоматлаштириш, хужжатнинг ягона идентификаторини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг суриштирув органлари, судлар, прокуратура органлари билан Интернет тармоғи орқали ахборот алмашинувини таъминлаш; жиноят ишлари бўйича суриштирув амалиётида жиноят-процессуал хужжатларининг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш; электрон шаклда санкциялар олиш, далилларни тўплаш, экспертизалар, суд муҳокамаси ўтказиш ва суд қарорларини ижро этиш орқали соддалаштириш масалаларига қаратилади.

Шунингдек, низоларни ҳал этишнинг судгача (муқобил) усулларини ишлаб чиқиш борасидаги ислоҳотлар туфайли ҳакамлик судлари фаолият кўрсатмоқда ва Ҳакамлик судлари ассоциацияси ташкил этилди. Бу эса суд органлари ишини сезиларли даражада енгиллаштиришига ёрдам беради.

Умуман олганда, мамлакатда суд-ҳукуқ тизимидағи ислоҳотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳукуқларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишига асосланади. Бу борада бир идора қўлида барча ваколат ва ресурслар тўпланиб қолишига, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципи бузилишига йўл қўйилмаслигига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу тарзда, Ўзбекистонда суд-ҳукуқ тизимидағи ислоҳотлар босқичма-босқич ва мақсадли амалга оширилмоқда.

1.3. ОАВ Ўзбекистонда суд тизими шаффоғлигини таъминловчи омил сифатида

Ўзбекистонда суд-хуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Бу қуидагиларда намоён бўлади:

- оммавий аудиторияни суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ҳақида хабардор қиласи ва шу билан бирга суд тизимидағи ижтимоий аҳамиятга эга масалалар ва муаммолар мөҳиятини тушунтиришга ёрдам беради;
- ҳуқуқий ахборотни аудиторияга очик ва тушунарли шаклда тезкор тақдим этади;
- судлар фаолияти юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиради ва ифодалайди, шу билан бирга фуқаролар ва жамоатчилик институтларида ижтимоий фаол позицияни шакллантиради.

Судлар фаолияти ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ва ихтисослашган юридик нашрлар сифатида кенг ёритилмоқда. Сўнгги йилларда ҳуқуқий мавзу деярли барча давлат ва нодавлат телерадиоканаллар, Интернет-ОАВлари ва блогерлар учун долзарб бўлиб қолди.

Мамлакатда “Хуқуқ”, “Қадрият”, “Куч – адолатда”, “Постда” – “На посту”, “Огох”, “Инсон ва қонун”, “Қадрият”, “Арбитраж ва ҳуқуқ”, “Ҳуқуқшунос”, “Фалсафа ва ҳуқуқ”, “Ҳуқуқ ва бурч”, “Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили”, “Хўжалик ва ҳуқуқ”, “Бюллетең Верховного Суда”, “Адвокат” каби ихтисослашган ҳуқуқий газета ва журналлар, ахбортономалар фаолият кўрсатади.

Аксарият вилоятларда ҳам ҳуқуқий-маърифий нашрлар мавжуд. Бундан ташқари, “Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан”, “Собрание законодательства Республики Узбекистан”, “Собрание постановлений Республики Узбекистан”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” ҳамда унинг веб-сайти эълон қилиб борилади.

Бугунги кунда Интернет-ОАВ, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва блоглар суд-хуқуқ органлари фаолияти ҳақида кенг аудиторияга маълумот узатадиган энг тезкор ва мобиљ платформага айланди. Telegram мессенжеридағи Xushnudbek.uz, Олий суд, Potrebitel.uz, Huquqiy axborot, Расмий хабарлар/Официальные новости каналлари, Facebook ижтимоий тармоғидаги “Халқ билан мулоқот” – “Диалог с народом”, Rais Buva, Troll.uz ва бошқа шу каби саҳифаларда ҳуқуқий мавзуга оид энг сўнгти янгиликлар, репортажлар ва танқидий-таҳлилий материаллар турфа хил ёндашувлар асосида ёритиб келинмоқда.

Айниқса, Telegram мессенжеридаги 250 мингга яқин обуначиларга эга Xushnudbek.uz канали кенг аудиторияга ҳар бир чиқаётган ҳуқуқий мавзуга оид хужжатлар мазмун-моҳиятини халқчил шарҳлаб боради ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайдиган тушунарли ва қизиқарли контент яратиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 256 мингдан зиёд обуначиларга эга Нициқиу ахборот канали эса янги қонун хужжатлари, ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида тезкор маълумотлар тақдим этувчи, жамоатчилик вакилларидан қонунчиликка таклифлар қабул қилувчи (@qonunchilikbot), саволларга мутахассислар жавоблари, ҳуқуқшунос маслаҳатини (www.advice.uz) тақдим этувчи канал ҳисобланади.

Шунингдек, 2014 йилнинг май ойидан кучга кирган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан, судлар анъанавий оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда ўз расмий веб-сайтларини ишга туширди. Уларнинг кўпчилиги янгиланган шаклда тақдим этилди.

2015 йил ноябрь ойидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бир қатор ахборий ва интерактив хизматларни ўз ичига олган, янгиланган www.supcourt.uz, www.olysud.uz веб-сайтлари фаолият кўрсатаяпти. Шу билан бирга, Telegram мессенжеридаги 10 мингга яқин обуначига эга Олий суд (t.me/olysuduz) канали фаолият олиб боради.

Хусусан, Интернет-қабулхона, электрон кутубхона, умумий юрисдиция интерактив картаси, судлардаги бўш лавозим иш ўринлари учун резюме тақдим этиш имконияти ва бошқа суд тизими ҳақида тез-тез мурожаат қилинадиган саволлар рўйхати ва бошқа бир қанча хизматлар мавжуд.

2016 йил декабрдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг виртуал қабулхонаси (www.ombudsman.uz) иш бошлади.

Омбудсман мамлакат фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузაётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувани ўтказиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир кишининг ёки бир груп шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қиласи.

Омбудсманга суднинг ваколат доирасига кирадиган масалалар ёки аноним мурожаатларни кўриб чиқмайди.

2016 йил март ойидан эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг янгиланган www.prokuratura.uz веб-сайти ишга тушди. Сайт жозибали график ва ранглар уйғунлигидаги дизайнда ахборотларни узатишда мантиқий тузилишга га бўлиб, прокуратура тизими фаолияти ҳақида зарур маълумотлар билан тўлдирилган. Албатта, сайтда имконияти чекланганлар учун ҳам қулайлик яратилган. Қайта ишга тушилган сайт асосий менюсида ҳам анча янгиланишлар киритилган. Мазкур ресурсда вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратура идоралари, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳам битта блокда фойдаланиш учун қулай жойлаштирилган.

Шунингдек, 2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жамоатчилик билан алоқаларида ҳам қатта ўзгаришлар рўй берди. Вазирлик марказий аппаратида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси ташкил этилиб, у ички ишлар органлари матбуот хизмати ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни таъминлайди. Унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

- ички ишлар органлари фаолиятини ахборот кузатуви ишларини мувофиқлаштириш, улар мансабдор шахсларининг фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва брифингларини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакатда ҳукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотларини ташкил этиш;

- ҳукуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида аҳолига ўз вақтида ва ишончли ахборот етказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш ва зарур шарт-шароитлар яратиш;

- ҳудудий ички ишлар органларининг матбуот хизматлари фаолиятига ташкилий-услубий ёрдам қўрсатиш, уларни республиканинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишларини таъминлаш;

- оммавий ахборот воситалари ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи материалларини туну-кун мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш, нотўғри хабар ёки ички ишлар органлари обрўсига путур етказувчи материалларга зудлик билдириш ва албатта, вазирлик веб-сайтининг самарали фаолиятини ташкил этиш.

Умуман олганда, давлат ҳокимияти органларига бўлган ишонч даражаси уларнинг ахборотга нечоғли очиқлигига бевосита боғлиқдир. Шунга кўра, суд

тизими органлари ҳам жамият учун етарлича очиқ бўлса, унга нисбатан ишончнинг ортиши ёки жамиятда адолат қарор топишига одамларда умид ва ишонч пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида жамият фаровонлиги, ўзаро адолатли муносабатлар шаклланишига олиб келади. Буни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва бугунги кунда анчайин трендга чиққан блогерларнинг иштироки, фаоллиги нихоятда муҳим.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Суд ҳокимиятининг моҳияти нималардан иборат?
2. Суд ҳокимиятнинг асосий ва қўшимча функцияларига нималар киради?
3. Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилишини тавсифланг.
4. Ўзбекистонда суд-хуқуқ ислоҳотларининг моҳияти ва босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Оммавий ахборот воситаларининг суд тизими очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашдаги ўрни қандай?
6. Ўзбекистонда суд тизими очиқлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида нималарни биласиз?

2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ВА ОАВ

- 2.1.** Ўзбекистонда суд-хуқуқ ислоҳотларининг меъёрий-хуқуқий асослари.
- 2.2.** Суд қонунчилигини такомиллаштиришда ОАВ фаоллиги, салоҳиятини ошириш.

2.1. Ўзбекистонда суд-хуқуқ ислоҳотларининг меъёрий-хуқуқий асослари

Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бевосита мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишга, қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шахс хуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга

қаратилган суд-хуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришни кўзда тутади. Суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент ва хукуматнинг тегишли қарор ва фармонларига асосланади. Конституция – суд-хуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Сўнгги 3 йилда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида суд-хуқуқ тизими янада такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони давлатимизда суд ҳуқуқ соҳадаги ислоҳатларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазкур соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиласидан тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Унда суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар, вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил қилиш таклифи илгари сурildi.

2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу ислоҳотларнинг амалга оширилишига сўнгги уч йил мобайнида суд-хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонулар, фармон ва қарорлар ҳуқуқий замин яратиб берди. Бошқача айтганда, суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди ва бу йўналишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Энг аввало, суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, судлар фаолияти самарадорлигига эришиш, аҳолининг одил

судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди ва бу билан судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олинди, очик, ошкора ва муқобил танлов тизими яратилди. Судья лавозимига муддатсиз тайинлаш, судья лавозимини эгаллаб туриш ёши 65 ёшгача, Олий суд судьялари учун эса 70 ёшгача этиб белгиланди. Ўз навбатида мазкур кенгаш томонидан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жихатдан таъминлаш масалалари Адлия вазирлиги ваколатидан Олий суд ваколатига ўтказилди. Е-SUD электрон суд жараёнининг миллий ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилди.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий норманинг амалда ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди. Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик–процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд мухокамасини ўз вақтида ва адолатли ўтказиш, жазонинг адолатлилиги ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инобаттга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта қўриб чиқишининг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралиқ

инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилинди.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддат уч йилдан бир йилга қисқартирилди, бу эса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимидағи қамоқ тарзидаги жазо тури бекор қилиниб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбурий жамоат ишлари жазо тури киритилди.

Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини қучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди. Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

«Хабеас корпус» институтини жорий этиш ва тергов олиб боришда суд назоратини қучайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиб, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечикириши бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини ошириш мақсадида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги, бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилиши ҳақида ўз чиқишлирида кўп маротаба қайд этди.

Шу нуқтаи назардан ушбу йўналишда далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланди, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Қонунга хилоф усуллар орқали олинган далиллардан, шу жумладан номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш таъқиқланди.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуулар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокурор ёки суд томонидан зудлик билан мажбурий текширилиши лозим бўлган тартиб белгиланди.

Судларда жиноят ишлари бўйича очик муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш таъқиқланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ўзбекистон Президенти Конституцияда ўзига берилган ваколатлардан келиб чиқиб, кейинги 3 йил ичida афв этиш тўғрисида 8 та фармон имзолади ва унинг натижасида афв этилганларнинг умумий сони 4 мингдан ошди.

Шунингдек, суд-хукуқ ислоҳотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чоратадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди. Бу тизимнинг хуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Чунки, адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон хуқуқларини таъминлаш янги босқичга кўтарилади. Бу борада ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди. Президент Шавкат Мирзиёев бу борада ҳам ўз таклифларини бериб, мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслар эканлиги ва улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини ҳақида ўз маърузаларида алоҳида тўхталиб ўтган. Адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ҳам ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотлар фуқаролар хукуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қиласи.

2.2. Суд қонунчилигини такомиллаштиришда ОАВ фаоллиги, салохиятини ошириш

Кўриб турганингиздек, Ўзбекистон Республикасида суд-ҳукуқ соҳасидаги қонун хужжатлари мақсадли ва изчил такомиллаштирилмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Аҳолининг сиёсий фаоллигини, ҳукуқий онги ва саводхонлигини оширишда, судлар фаолиятида жамоатчилик назоратини ўрнатишида, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда оммавий ахборот воситалари муҳим восита ҳисобланади. Жамиятда ҳукуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастирида белгилаб берилганидек, оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикр ва ҳукуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институтлар бўлгани учун ҳам уларнинг бу борадаги фаолиятини кучайтириш зарурияти борган сари кўпроқ сезилмоқда.

Хозирги демократик ислоҳотлар натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга унданмоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида Ахборот хизматлари фаол иш олиб боришимоқда.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши лозим. Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Оммавий ахборот воситалари қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг институционал масалаларни ҳал қилиши тўғрисида мунтазам ахборот тарқатади. Судларнинг институционал масалаларни ҳал этиши ҳақида эса маълум ҳодиса жамият ҳаётига номувофиқ келгандагина ОАВ шошилинч ёритишига киришади. Шу тариқа журналистлар, бош муҳаррирлар ўзига нотаниш соҳага киради. Натижада етарли тайёргарлик, малакага эга бўлмаганлиги уларга панд бериши мумкин. Бу маълумотни ўқувчига етказиш, муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш, суд жараёнининг асл моҳиятини таҳлил этишда ҳалал беради. Бундай пайтларда журналистларнинг соҳавий ихтисослашмагани кўзга ташланиб қолади. Аслида, ҳар бир суд жараёни ўзига хос ижтимоий-ҳукуқий ҳодиса бўлиб, журналистлар масалага шу нуқтаи назардан ёндашишлари талаб этилади. Шунинг учун ҳам журналистикада ихтисослашув, юридик журналистикага эҳтиёжни даврнинг

ўзи тақозо қилмоқда. Чунки бу соҳага компитент ёндаша оладиган ОАВгина суд-хуқуқ тизими қонунчилигини такомиллаштириш, унинг ижроси самарадорлигини таъминлашда фаол иштирок эта олади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ОАВнинг вазифалари суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатлик жамиятлари фаолиятининг тизимли мониторинги натижаларидан келиб чиқади. Айнан мониторинг натижалари ОАВ учун муҳим ахборот манбаси бўлиб, аудиторияга ишончли хабарни ўз вақтида етказишда муҳим ҳисобланади. Бу жараёнларга ОАВнинг институционал ва ижодий салоҳиятидан фойдаланиш аҳамиятга эга. Шу маънода қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

➤ Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳақида муаммоли ва таҳлилий материалларни эълон қилиш, фракциялараро мунозараларни кенг ёритиш, янги қонунлар муҳокамаси ва қабул қилиш жараёнлари ҳақидаги муҳокамаларни ёритиш. Парламент депутатлари, партиялар фракциялари аъзолари фаолиятига баҳо бериш, тегишли мавзулар юзасидан жамоатчиликнинг турли фикр ва муносабатларини эълон қилиб бориши, қонунлар ижроси бўйича парламент назоратининг турли жиҳатларини ёритиш ва бу соҳадаги ишлар самарадорлигини тизимли таҳлил қилиб борища ОАВнинг иштироки таъминланиши лозим. Бу жараёнларни ёритишида турли журналистик жанрлардан фойдаланиш керак.

➤ Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд органлари, адвокатлик тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳалла ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиши лозим. Бунда хуқуқ тизимлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг шакл ва усусларни кенгайтириш ва такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

➤ Хуқуқ-тартибот органлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан аҳоли ўртасида олиб бориладиган хуқуқий тарғибот ва мақсадли тушунтириш ишларини тўлиқ қўллаб-қувватлаш. Бу ерда сўз фақатгина янги қонун хужжатлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларни шарҳлаш эмас, балки парламентнинг, Олий суднинг қонун ижодкорлиги ташаббуси билан боғлиқ жараёнларни кенг ёритиб бориши ҳам назарда тутилмоқда.

➤ Суд-хуқуқ тизими мансабдор шахсларининг касбий мажбуриятларини нечоғли сифатли ва ўз вақтида бажараётганликларини ҳам тизимли ёритиб бориши мақсадга мувоғик.

➤ Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатлик ҳамжамиятлари, прокуратура органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги аҳолининг хуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга

қаратилган қўшма лойиҳалар, ахборий кампаниялар, жумладан, хуқуқий масаладаги долзарб мавзуулар юзасидан аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан ташкил этиладиган давра сұхбатлари, семинар-тренинглар, ток-шоулар, очиқ мунозаралар, муҳокамалар ҳам ОАВда ёритиб борилади

➤ Бу соҳадаги чиқишилар натижавийлигини ошириш учун янги шакл ва услублар, воситалар, жумладан, интернетнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Газета ва журналлар таҳририятлари оммавий аудитория учун зерикарли ва тушунилиши қийин услуг ва шаблонлардан воз кечишилари керак. Таассуфки, бу ҳолат ҳамон мавжуд. Оммавий аудитория ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида бевосита мулокотни ўз ичига олган хуқуқий ўзгаришилар, мақсадли чиқишилар жараёнида жамоатчилик фикрини кенг ёритиши мақсадга мувофиқ. ОАВ ходимлари айбсизлик презумциясига риоя этган ҳолда хуқуқбузарликларни олдини олиш борасидаги ишларни ёритишилари лозим. Чунки, журналистлар доимо суд жараёнларини холис ёрита оладиларми? Бу борада уларнинг билим ва кўникмалари етарлими? Бу саволлар ҳозирги кунда ҳам долзарб.

Сўнгги пайтларда айрим оммавий ахборот воситалари томонидан айбсизлик презумциясига риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бу эса фуқароларнинг конституциявий хукуқларининг бузилишига олиб келади. Журналист суд ишларини ёритишида, шу жумладан, суд фаолияти билан боғлиқ материалларни тайёрлашда алоҳида масъулият билан ёндашиш керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра: жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқламагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши шарт.

Суд-хуқуқ ислоҳотларининг оммавий ахборот воситаларида самарали ёритилиши қўп жиҳатдан барча журналистлар ва ОАВ таҳририятларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олишларига ҳам боғлиқ. Хуқуқий йўналишдаги барча нашрларнинг веб-сайтларини ташкил этиш, юритиш, мунтазам янгиланиб борилишини қўллаб-қувватлаш керак. Бу мамлакатдаги онлайн ОАВнинг ташқи аудиторияга таъсирини ҳам сезиларли даражада яхшилайди.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

- 1.** Замонавий босқичда Ўзбекистондаги суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг меъёрий-хуқуқий асослари нималардан иборат?
- 2.** Ўзбекистонда судьялар неча ёшдан ва қанча муддатга сайланади?

- 3.** Ўзбекистонда адвокатура тизимида қандай ўзгаришлар рўй берди?
- 4.** Мамлакатимизда қандай хуқукий нашрлар чоп этилади?
- 5.** Суд-хуқуқ органлари веб-сайтлари фаолиятига қандай баҳо берасиз?

3-МАВЗУ. ОАВ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА

- 3.1.** Жамоатчилик назорати: моҳияти, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли.
- 3.2.** Жамоатчилик назорати шакллари, объекти ва субъекти.
- 3.3.** Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг хуқукий асослари.
- 3.4.** ОАВ – жамоатчилик назоратини таъминлайдиган муҳим воситадир.

3.1. Жамоатчилик назорати: моҳияти, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли

Жамоатчилик назорати давлат органлари ва муассасалари устидан жамоатчилик назоратини англатади.

Жамоатчилик назорати давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолиятидир. Демак жамоатчилик назорати деганда фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва назорат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан амалга ошириладиган назорат тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида жамоатчилик назоратининг умумий асосларини белгиловчи нормалар мавжудки, мазкур институтни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари белгиланган конституциявий норма асосида ва унинг доирасида қабул

қилинади. Конституциянинг 2-моддасига мувофиқ давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммоларни ҳал этиш учун жамоатчилик назорати муҳим. Қолаверса, жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шартидир.

Айнан жамоатчилик назорати орқали фуқаролар ва жамоат тузилмалари жамият ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топишга эришадилар. Демак, жамоатчилик назорати институтини эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ташкил этишнинг муҳим воситаси дейиш мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш вазифаси белгиланган. 2018 йилнинг 12 апрель куни “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ва унинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Халқ ҳокимиятчилиги принципи фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгаликларини назарда тутади. Бу каби иштирок этиш йўлларидан бири – давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишdir.

Жамоатчилик назорати одатда професионал, тизимли, маҳсус малака талаб қиласиган, ихтисослашган назорат ҳисобланмайди. Мазкур назорат ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратини амалга оширишлари мумкин.

Тегишли қонунчиликда давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қаторида “жамоатчилик назоратини ўtkазиш юзасидан ташаббус кўrsatiшга ҳақли” эканликлари ҳам кўrsatilган. Агар бу амалиётда тўғри ва мақсадли қўлланилса, келгусида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қиласи. Муайян давлат органи раҳбари ўз фаолиятини яхшилаш, унга четдан баҳо бериш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан ташаббус билан чиқади. Натижада ўз ишидаги айrim камчиликлар, қонуний фаолияти давомида

эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиб, ўз фаолиятини яхшилашга эришади. Моҳиятнан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга хизмат қиласди.

Одатда жамият ҳаётидаги энг долзарб, аҳолини, уларнинг муайян қатламини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш учун жамоатчилик назорати амалга оширилади. Хусусан, коррупцияга қарши кураш, аҳоли бандлигини таъминлаш, судлар фаолияти, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарларининг қонун хужжатларига зид равища айрим соҳалар, жумладан, таълим, тиббиёт, қурилиш ва бошқа шу каби соҳалардаги салбий ҳолатлар, мажбурий ишларга жалб этиш каби ҳалқни ташвишга солаётган, мамлакат иқтисодий тараққиётига, аҳолининг кайфиятига салбий таъсир қўрсатаётган соҳалар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур.

Мазкур назорат ўз натижалари билан бошқа назорат турларидан фарқланади. Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда якуний хужжат тайёрланиши мумкин. Яъни давлат назоратидан фарқли ўлароқ якуний хужжат тайёрлаш мажбурий эмас. Якуний хужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади. Унда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

Бунда давлат органи жамоатчилик назорати натижасида тайёрланган хужжатни бажаришга эмас, балки кўриб чиқишга мажбур ҳисобланади.

Жамоатчилик назоратининг асосий қуроли – қонун. Жамоат ташкилотлари давлат ижро тузилмаларининг қонунларни қандай ижро этаётганини назорат қиласди. Жамоатчилик назоратининг хулосалари давлат ижро идоралари учун тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, ижро ҳокимиятининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, хатоларни тузатиш, ҳалқчилликни таъминлашга хизмат қиласди.

Жамоатчилик назоратида жараён эмас, натижага қараб хулоса чиқарилиши шарт. Акс ҳолда, жамоатчилик назорати ижро ҳокимияти идораларини ишларига халақит бериши мумкин. Шу сабабли жамоатчилик назоратида жараён эмас, натижа асосий мезон бўлиши лозим.

Хулоса шуки, “давлат ҳокимияти” ва “жамоатчилик назорати” бир-бирини тақозо этувчи тушунчалардир. Давлат ҳокимияти ва жамоатчилик назоратининг бирлиги ҳалқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг ҳалқдан бегоналашувининг олдини олиб, озчилик ва қўпчилик деспотизмига йўл қўймайди. Давлат ҳокимияти ва жамоатчилик назоратининг уйғунлигини

таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар яратилган. Тъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига шароит яратилади.

3.2. Жамоатчилик назорати шакллари, объекти ва субъекти

Жамоатчилик назорати бошқа назорат турларидан ўзининг субъектлари билан фарқланади. Бошқа назорат турларида давлат органи мансабдор шахс бўлиб, маъсус маълумотга эга шахслар муайян тартибга солинган тартибларга риоя қилган ҳолда назоратни ўтказади ҳамда бу назоратни ўтказиш мажбурий. Жамоатчилик назоратида эса

- фуқаролар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- оммавий ахборот воситалари қатнашишлари мумкин ва булар қонунчиликка кўра, **жамоатчилик назорати субъектлари** ҳисобланади. Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Улар *ихтиёрий равишда, очик, ошкора* жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Жамоатчилик назорати субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.
Уларнинг ҳуқуқлари:

- жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишига, уларни ташкил этишига, шунингдек уларда иштирок этишига;
- жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишига;
- жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишига;

- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;

- давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;

- жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектларининг куйидаги **мажбуриятлари** белгиланган:

- жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиши;

- қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

- давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

- давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;

- фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибашга йўл қўймаслиги;

- жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиши шарт.

Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Куйидаги бешта йўналиш бўйича давлат органлари ва муассасалари, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти **жамоатчилик назорати обьекти** ҳисобланади.

- қабул қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

- ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

- давлат хизматларини кўрсатишга;

- ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти.

Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги **хуқуқлари**:

- жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

- жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний хужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътиrozларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

- ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

- жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишига ҳақли.

Давлат органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари **мажбуриятлари**:

- жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун хужжатларida белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

- ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун хужжатларida белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;

- жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний хужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт.

Давлат органларининг зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига кўра, **жамоатчилик назоратининг 8 шакли** белгиланган:

➤ **Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар.** Унга кўра, жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек қонун хужжатларida белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровлари қонун хужжатларida белгиланган тартибда давлат органлари томонидан

кўриб чиқилади. Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган хукуки, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

➤ **Давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш.** Жамоатчилик назорати субъектлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш хукуқига эга. Давлат органлари ўзининг очик ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади

➤ **Жамоатчилик муҳокамаси.** Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек, норматив-хукукий хужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамаси дейилади. Жамоатчилик муҳокамасини ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ ўtkазиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз хуқуqlари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очик ўтказилади. Унинг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси ОАВ орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қиласи. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

➤ **Жамоатчилик эшитуви.** Давлат органлари, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

Жамоатчилик эшитуви ҳам оммавий ва очик ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли.

➤ **Жамоатчилик мониторинги.** Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни

йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш **жамоатчилик мониторингидир**.

➤ **Жамоатчилик экспертизаси.** Жамоатчилик экспертизаси норматив-хуқуқий хужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

➤ **Жамоатчилик фикрини ўрганиш.** Турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун хужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисботлари ва ахборотини эшлиш. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига киравчи масалалар юзасидан ҳисботларини; ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисботларини; тегишинча оиласидай поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини; тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисботларини эшитади.

3.3. Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг хуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган тадбирда сўзлаган нутқида “Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ” дея фикр билдириб, хусусан шундай деган эди: “Конституцияга асосан судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқароларнинг жамоавий мурожаатларига тушунтириш ва хуқуқий изоҳлар бериши зарур. Шуни аниқ тушуниб олиш керакки, **жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат**

эмас, балки жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тарақкий топтиришнинг мухим омилларидан биридир.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришни асосий мақсад қилиб олган Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, уни амалга оширишнинг ташкилий-хукуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич ўтказилмоқда. Жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича норматив-хукуқий база шакллантирилган бўлиб, у тизимли равишда ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида жамоатчилик назоратининг умумий асосларини белгиловчи нормалар мавжуд бўлиб, мазкур институтни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари белгиланган конституциявий норма асосида ва унинг доирасида қабул қилинади. Конституциянинг 2-моддасида “...Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деб белгиланган. Унинг 19-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳамда давлат бирбирига нисбатан бўлган ҳукуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги ифодаланган.

Шунингдек, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар билан жамоатчилик назорати институтига *конституциявий мақом* берилди. Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган турли фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид қонунчилик тизими шаклланишига замин яратди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти ташкил этилди, 2018 йил 12 апрелда эса давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокига доир конституциявий нормани рўёбга чиқариш механизmlарини белгилайди. Қонун билан жамоатчилик назорати субъектлари ва объектлари, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг шаъни ва қадр-киммати камситилишига, уларнинг шахсий хаётига аралашишга йўл қўйилмайди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам давлат ва

жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулокотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жамоатчилик назоратини амалга ошириш нечоғли муҳим эканлигига кўп бор эътибор қаратди. Мамлакат раҳбарининг фикрича, худудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджет ижроси, коммунал масалаларни ҳал этиш борасидаги масалалар бўйича ҳокимлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шароит яратиш керак. Жамоатчилик назорати механизмларини амалга оширишнинг амалий натижаларидан бири идоралараро “Ijro.gov.uz” ижро интизоми электрон тизимининг ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилишида ҳам кўринади. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шароит яратишга қаратилган.

Шунингдек, 2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг белгиланган ахборотларни олиш, шунингдек, давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини оширишга қаратилган. Мазку Қонун асосида давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгashi шакллантирилиб, кенгаш томонидан давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси, фаолият очиқлигини таъминлаш регламенти ишлаб чиқилган. Мазкур Жамоатчилик кенгashi қарори билан 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими ишга туширилиб, унинг “очиқлик индекси” натижалари ochiqlik.uz сайтида эълон қилиб борилади.

Умуман олганда, мамлакатда давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга қаратилган юздан ортиқ норматив-ҳукуқий ҳужжатлар мавжуд. Уларнинг жумласига “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларни ҳам киритиш мумкин.

Айтиш мумкинки, электрон хукумат, электрон суд тизимларининг жорий этилиши ҳам жамоатчилик назорати механизмларини самарали фаолият юритишига хизмат қилади.

Жамоатчилик назоратининг қонуний асослари яратилгани жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашда муҳим асос бўлади. Бу жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда ҳам аҳамиятга эга.

3.4. ОАВ – жамоатчилик назоратини таъминлайдиган муҳим восита

Оммавий ахборот воситалари халқни қийнаётган энг долзарб муаммоларни қўтариб чиқадиган, уни ҳал этилишига ёрдам берадиган катта куч ҳисобланади. ОАВ мансабдор шахсларнинг ўз ишларини қонун доирасида олиб боришлирига ундейди. Шу маънода ОАВнинг ҳам, жамоатчилик назоратининг ҳам мақсади муштарак – фуқароларнинг фаровонлик даражаси муттасил ошиб борсин, қонуларга, тартиб-интизомга риоя қилсин, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари эса бунинг ҳуқуқий, ташкилий, ижро механизмларини таъминласин.

Судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг самарадорлиги, биринчи навбатда, ҳаракатларнинг қонунийлиги, судлар ва судьяларнинг мустақиллиги тўғрисида жамоатчилик фикрини ифодалаш ва шакллантиришда намоён бўлади. Фуқаролар солиқ тўловчилар маблағи ҳисобига ҳақ олаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳақида маълумот олишга ҳақлидирлар. Шу маънода, ОАВда узатилаётган ахборотлар фақатгина уларнинг фаолияти тарғиботи бўлиши керак эмас.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доим очиқ бўлиши лозим. Чунки фуқаролар бу ташкилотлар фаолиятининг турли аспектларини доим кузатиб бориш имконига эга бўлишлари лозим. Бу эса мазкур органларнинг *жамоатчилик назорати учун очиқлигининг бир белгисидир*.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар билан самарали ҳамкорлик қилиш орқали фуқаролар билан муносабатларини яхшилаш имконига эга бўладилар.

Бугунги кун амалиётида ОАВнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ёритиш бўйича мавжуд ҳолатни қўйидагича баҳолаш мумкин:

- аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ОАВ билан муносабатлари анчагина яхшиланганлигини ҳуқуқий йўналишда янги қонун, қарор, фармонлар қабул

қилинишида фуқароларнинг фаол иштирок этаётганлиги, қонунчиликка дадил муносабат билдираётганлигига кўриш мумкин.

• Ҳуқуқий йўналишга ихтисослашган даврий нашрлар материаллари суд-хуқуқ тизимидағи барча ислоҳотларни қамраб олмоқда.

• Оммавий ахборот воситаларида суд-хуқуқ органларининг маънавий-маърифий йўналишдаги ишлари, жумладан, маҳаллалардаги ҳуқуқий мавзулардаги учрашувлар, сайёр судлар, газеталар орқали ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, адлия тизимидағи ҳудудий бўлинмалар фаолияти, фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари тикланаётгани ҳам кенг ёритилаётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, Интернет ОАВларида ҳуқуқий мавзудаги материалларнинг ҳиссаси кўпайганини кузатиш мумкин.

• Телерадио эфирларда 4 та сектор раҳбарларининг иштирокида фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган дастурлар ташкил этилиб, халқ қабулхоналаридан репортажлар, Интернет ОАВлар орқали ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган мақолалар эълон қилинмоқда. Бу йўналишда Адлия вазирлигининг Telegram тармоғидаги Ҳуқуқий ахборот канали жуда катта юридик қўмакни амалга оширмоқда.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этишда замонавий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, ҳар бир таҳририят ўз тингловчиларининг аниқ ҳуқуқий манфаатлари, эҳтиёжлари, талаб ва умидларини ўрганиши лозим.

Жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситалари самарадорлигининг яна бир жиҳати – судлар фаолияти, шу жумладан суд мажлислари очиқлиги, уларда иштирок этиш, кузатиш, мобил судларни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига сезиларли таъсир кўрсатувчи бошқа масалаларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Шунингдек, ОАВлардаги чиқишлиарда жиноят процессида прокурор ва жамоат ҳимоячисининг иштирокини кўрсатиш, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий огоҳлик даражаси, аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқароларнинг суд соҳасидаги фаоллиги судларнинг ҳақиқатдан ҳам демократик ва очиқлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳам фуқаролар, ҳам фуқаролик жамияти институтларининг судларга мурожаатлари сони йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича суд мажлисларини интернет орқали кузатиб бориш имконияти ҳам журналистлар учун яхши восита ҳисобланади.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда суд-хуқуқ тизими фаолиятини муҳокама қилувчи ва баҳо берувчи жамоатчилик консультацияларини ташкил этишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бундайн консультацияларнинг

ташаббускори журналистлар, блогерлар, суд ҳокимияти вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва фуқаролар ҳам бўлиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда янги бир ҳодиса – интернетдаги вазиятлар бўйича ҳамкорлик ҳаракатлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Ҳамкорлик бошқа ахборот фойдаланувчилари учун очиқликни талаб қиласди. Очиқлик ва ошкоралик, ўз навбатида, тизимдан заковатли, етарли малака, компитентликка эгаликни, фаолликни талаб қиласди.

Бу нафақат суд-хуқуқ соҳасидаги, балки жамиятнинг бошқа соҳаларидағи муаммоларни мақбул тарзда ҳал этиш мақсад қилган жамоатчилик назоратидир. Унинг афзаллиги муаммонинг ҳар қандай тури учун қўллаш мумкин. Ҳамкорлик, чекланмаган сондаги мутахассисларнинг биргаликдаги ҳаракатлари муаммоларни осон, арzon ва самарали ҳал қилишга имкон беради. Бошқача айтганда, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларни жамоавий қарорларни қабул қилиш, ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар атрофида бирлашишга имкон яратади.

Демократик жамиятда барча давлат тузилмалари, хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак. Чунки бу ҳамкорлик натижалари иккала томон учун ҳам манфаатли бўлиши билан бирга, энг муҳим жиҳат – инсонларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий мувозанатни таъминлашга хизмат қиласди.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Жамоатчилик назорати моҳияти ва унинг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли ҳақида фикрларингизни билдиринг.
2. Жамоатчилик назорати обьекти, субъекти ва шакллари нマルардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Конуни мазмун-моҳияти ҳақида муносабат.
4. ОАВнинг жамоатчилик назоратини таъминловчи муҳим инструмент сифатидаги имкониятларига баҳо беринг.
5. Оммавий ахборот воситалари судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ҳандай ўрнатишлари мумкин?

4-МАВЗУ: ОАВНИНГ СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

4.1. ОАВ ва суд-хуқуқ органлари ҳамкорлиги тамойиллари.

4.2. Журналистлар ва суд-хуқуқ органлари ўртасидаги ҳамкорлик шакллари

4.1. ОАВ ва суд-хуқуқ органлари ҳамкорлиги тамойиллари

Жамиятда хуқуқ ва тартиботни, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда суд-хуқуқ органлари мухим рол ўйнайди. Аҳоли ва хуқуқтартибот идоралари ўртасида восита вазифасини бажарувчи оммавий ахборот воситалари ва журналистлар ҳам барқарорлик ва тартибни сақлашга ҳисса кўшишади.

Суд-хуқуқ органлари ва оммавий ахборот воситалари тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг фаолиятида умумий мақсадлар ва ўхшаш жиҳатлар кўп. Икки тизим ҳам тартибга солинмаган вақтда ишлашлари ва юқори даражадаги руҳий стрессларни бошдан ўтказишлари мумкин. Ҳар иккаласи ҳам фаолиятлари хусусиятидан келиб чиқиб, жамоатчилик томонидан доимий танқидлар ҳисобига тез-тез хавфли вазиятларда ишлашларига тўғри келади.

Журналистлар ва суд-хуқуқ тизими ходимлари жамиятда демократия ва қонун устуворлиги ҳимоячилари сифатида мухим рол ўйнайди. Демак, бундай муштарак мақсадга эришиш учун улар ўзаро ҳамкорликда ишлашлари лозим.

Оммавий ахборот воситалари ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари вакиллари ўртасидаги ўзаро муваффақиятли муносабатлар қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ✓ инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш; сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ўз фикрларини эркин ифода этишлари;
- ✓ ўзаро ишонч ва тенг хуқуқлилик;
- ✓ жамоатчиликнинг суд ва хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти ҳақида билиш хуқуқини ҳурмат қилиш, чунки улар давлат муассасаси сифатида ўзларини ташқи жамоатчилик назоратига тақдим этишлари шарт;
- ✓ тизимли ҳамкорлик, аниқроғи, бу муносабатлар бир марталик эмас, балки узоқ муддатли ва режали асосда қурилиши лозим;
- ✓ ахборотнинг очиқ ва эркин бўлиши; унга жамоатчиликнинг ҳеч қандай тазиёкларсиз эга бўлиш хуқуқини таъминлаш. Суд-хуқуқ органлари очиқ бўлиши керак, чунки фуқаролар уларнинг

фаолиятини ижобий жиҳатларини ҳам, муаммоли тарафларини ҳам кузатиб бора олишлари лозим. Бу уларнинг жамоатчилик назорати учун ҳисобдорлигининг бир қисмидир. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш орқали фуқаролар билан ҳам муносабатларини яхшилашлари мумкин;

- ✓ бир-бировларининг мажбуриятлари ва ижтимоий масъулиятини ўзаро тушуниш;
- ✓ қонунийликка риоя қилиш;
- ✓ ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида журналистларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлашга даъват этилади.

Шунингдек, қуйидаги тамойилларга асосланганда ҳам бу ҳамкорлик жамият учун манфаатли ҳисобланади:

- ✓ ўзаро ишонч;
- ✓ доимий алоқада бўлиш;
- ✓ ахборотнинг барча учун бирдай очиқлиги ва холислиги;
- ✓ ахборотнинг аҳоли томонидан эркин муҳокамага кўйилиши;
- ✓ тенглик;
- ✓ ушбу ҳамкорликнинг жамоатчилик учун манфаатли бўлиши;
- ✓ ижтимоий жавобгарлик;
- ✓ ижтимоий тадқиқотлар натижаларидан кенг кўламда фойдаланиш;
- ✓ томонларнинг ихтиёрийлиги;
- ✓ қабул қилинган қарорлар юзасидан иккала томоннинг бирдай жавобгарлиги;
- ✓ ўзаро келишув.

ОАВ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигига оммавий ахборот воситалари аҳоли учун ишонч кўприги вазифасини ҳам ўтайди. Шу ўринда, ОАВ аҳолини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимлари, уларнинг ишлаш усуллари ва шакллари ҳақида керакли ахборот билан таъминлаб бориши керак. Баъзи ҳолларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзига хослигидан келиб чиқиб, улар таркибида ОАВ (матбуот хизмати, газета, радио) ташкил этилиши ҳам мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аҳолининг барча қатламларига кириб боришига ижобий таъсир кўрсатади. Бу каби ҳамкорликда ОАВ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қуйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

- қонунийлик;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилиниши;

- сўз ва фикр эркинлиги.

Бу каби ҳамкорликда жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари, қолаверса, фуқароларнинг бевосита иштироқини ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қуидагиларга эришилади:

- фуқаролар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга керакли ва ишончли маълумотлар тақдим этилишига;
- жамоат тартибини сақлашда фуқаролар ўз ҳиссасини қўшишига;
- турли фавқулодда ҳолатларнинг олди олинишига;
- жиноятчилик камайишига;
- жамиятда фаол фуқаролик позицияси тасарруф этилишига.

ОАВ билан ҳамкорликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида иш юритган ҳолда:

- ОАВ, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлайди;
- жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чораларни кўради;
- ушбу ҳамкорлик доирасида Конституцияга ва амалдаги қонунчиликка риоя этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ОАВ билан ўзаро фаолиятида шаффоғликини таъминлайди, ушбу ҳамкорлик ўзаро ишонч асосида қурилади.

Сўнгги йилларда судлар тизимининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг суд жараёнларидағи иштироки мавзусида қўплаб тадбирлар уюштирилди, уларда кўп яхши гаплар айтилади, таклифлар ўртага ташланади. Катта эҳтимолки, ҳали бу мавзуга кўп қайтилаверади яна. Чунки, иккала тизим фаолиятида уйғун қирралар мавжуд, демак, ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар етарли.

Судлар шаффоғлигини таъминлашда журналистларнинг суд залидаги иштироки, иш қуролидан фойдаланиши нақадар муҳимлигини инкор этиб бўлмайди. Бу масала кўп муҳокама қилинган. Шунга қарамай кун тартибидан тушгани йўқ. Тўғри, журналистнинг очиқ суд мажлисида ҳозир бўлиши қонунан кафолатланган. Бироқ ОАВ вакилининг иш қуролидан фойдаланиши суд мажлисига раислик этувчининг хоҳишига боғлиқ: ижозат беради ёки йўқ. Судьянинг бу ҳуқуки ҳам қонунан мустаҳкамланган. Тўғри, сўнгги йилларда суд залидан репортажлар, имтимоий тармоқларда лавҳалар анча тез-тез кўзга ташланмоқда. Аммо бу борада ташаббус қайси томондан чиққанлиги масаласи ҳам бор. Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш ҳам лозим: журналистнинг суд залида қонуний иштирок этиши кўзда тутилган ҳолатларда суд тизими масъуллари томонидан бу ҳуқуқ бузилса, мамлакатимизда маъмурий судлар янги ҳуқукий институт сифатида айнан мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний

хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш учун тузилган, судья ҳам мансабдор хисобланади. Аммо бу амалиёт мамлакатда ҳали қўлланилган эмас. Аслида, суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотлар суд тизими ва ОАВ ҳамкорлигига жамиятда адолат, инсоннинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутади ва бу борада сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар анчайин сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келди.

4.2. Журналистлар ва суд-хуқуқ органлари ўртасидаги ҳамкорлик шакллари

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги қуидаги шаклларда бўлиши мумкин:

Маслаҳатлашиш ва фикр алмашиш – бу жамиятда барқарорликни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида фуқароларни хабардор қилиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни яхшироқ мувофиқлаштириш имконини беради.

Брифинг ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ёки уларнинг Ахборот хизмати вакилига муҳим воқеа ҳақида баёнот бериш, журналистларга эса саволлар бериш имконини беради.

ОАВ вакиллари учун пресс-конференция ва онлайн-конференциялар суд ёки бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларида рўй бераётган долзарб воқеалар ҳақида иложи борича қўпроқ оммавий ахборот воситалари ва журналистларни зудлик билан хабардор қилиш имконини беради.

Ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва блоклар ахборот олиш имкониятига жиддий таъсир қўрсатиб, суд-хуқуқ органларига контент яратувчи сифатида ҳаракат қилиш ва шу тарзда кенг аудитория ва журналистлар манфаатларига мос фаолият юритишга имкон яратаяпти. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари максимал очиқликни таъминлаши, тезкор хабарларни етказиши, мақсадли онлайн видеолар ва фотосуратларни тақдим этиши, шу билан ўзларига нисбатан ишончни мустаҳкамлаши мумкин. Шу тариқа улар турли ҳаракатларга, тадбирларга ОАВ вакилларини жалб қилиши ва реал вақт режимида воқеаларни кузатиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Telegramда ўз каналига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг веб-сайтида фуқаролик ва бошқа низолар бўйича ҳамда муайян очиқ суд мажлисларининг ўткизилиш вақти ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Интервью. Судьялар, айбланувчи томон, ҳимоячи ёки суднинг бошқа иштирокчилари билан интервьюлар судлар очик ўтказилаётган бўлса, уларнинг розилиги билан ташкил қилинади.

Интервью жараёнида қўйидаги тамойилларга эътибор қаратиш лозим:

- ✓ суд ва хуқуқни муҳофаза қилиш органларига:
 - ✓ текширилмаган маълумотни тақдим этмаслик;
 - ✓ мавзуга бепарво ва эҳтиёtsиз ёндашмаслик;
 - ✓ жавоб берабётганда тор касбий лексика ва қисқартмалардан қочиш;
 - ✓ бошқа иштирокчилар нуқтаи назарларини изоҳламаслик;
 - ✓ журналистлар томонидан берилаётган саволлардаги нотўғри тахминларни дарҳол тузатиш;
- ✓ журналистлар учун:
 - ✓ мавзу бўйича сұхбатдошнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан савол бериш;
 - ✓ аниқ ва лўнда саоллар бериш;
 - ✓ сұхбатдошни эшлиши ва тинглаш; унинг гапини бўлмасдан фикрини охиригача айтишига имкон бериш;
 - ✓ тушунарсиз нуқталар ва атамаларни аниqlаштиришдан тортинмаслик.

Пресс-релиз – оммавий ахборот воситаларида ёритиладиган воқеа-ходиса ҳақидаги хабар бўлиб, имкон қадар бир сахифадан ошмаслиги ва асосий мавзу ҳақидаги барча маълумотларни ўзида жамлаши керак.. Одатда, яхши ёзилган пресс-релиз қўйидаги, журналистикадаги олтита боқий саволларга жавоб бериши керак: **Ким? Нима? Қачон? Қаерда? Қандай қилиб? Нима учун?**.

Кенг аудиторияга мўлжалланган, муҳим ва керакли маълумотларни ўзида жамлаган хабар. Пресс-релизнинг лид қисмида, яъни, лид (сўзбоши) — бу биринчи хатбоши бўлиб, унда материалнинг асл моҳияти баён этилади. У битта гапдан кўп бўлмаслиги керак. Лидда қўйидаги ахборот берилади: 1) ҳодиса, тадбир иштирокчилари ва ҳоказо; 2) қандай ҳодиса, янгилик юз берди ёки беради; 3) ҳодиса қачон ва қаерда содир бўлган ёки бўлади; 4) ҳодиса жараёни.

Асосий матнда, албатта, ҳодиса билан боғлиқ аниқ рақамлар, фактлар, ҳодиса иштирокчиларининг шарҳи келтирилиши керак.

Пресс-релиз сўнггида ташкилот тўғрисида маълумот берилиши керак: тўлиқ маълумотлар – фаолият йўналиши.

Пресс-релиз реклама варагасига айланиб қолмаслиги, бир нашр варагидан ошмаслиги ва факат битта янгилик түгрисидаги ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак.

Пресс-релизни ушбу янгилик билан қизиқадиган ОАВга юборган маъкул.

Пресс-релиз *аниқ, содда, қисқа* ва *тушунарли* тилда ёзилиши лозим.

Пресс-релизни ёзишни бошлашдан олдин ўз-ўзига “Бу матн кимга мўлжалланган?” деган савол қўйилиши керак. Ёддан чиқармаслик керак – пресс-релизлар ОАВ вакиллари учун ёзилади. Журналистлар тарқатилаётган ахборотдан аниқ фактларга таянган ҳолда, самарали фойдаланиши керак. Берилаётган ахборотнинг асосини нима ташкил қиласи? Ўқувчига қандай фикрни етказиш мақсад қилинган?

- Ортиқча сўзларни ишлатмаслик керак. Агар маъносига путур етказмасдан туриб, матндан бирор сўз ёки иборани олиб ташлашнинг имкони бўлса, олиб ташлаш керак. Қисқа, 7–9 сўздан иборат гапларни ёзилади.

- Агар бир мавзу бўйича бир неча тадбир ўтказилган бўлса, уларни бирлаштириб ва битта пресс-релиз тайёрласа бўлади. Агар ҳодисалар турли характерга эга бўлса, ҳар бир ҳодиса бўйича алоҳида пресс-релиз тайёрлаш керак ва бу пресс-релизларда далиллар, сатистик ва бошқа маълумотлар тўлиқ акс эттирилиши керак.

- Пресс-релиз ёзишдан мақсад – жамоатчиликни хабардор қилиш, ташкилотнинг ижобий имижини шакллантириш.

Пресс-кит – асосий PR ҳужжат ҳисобланиб, матбуот анжуманлари, тақдимот, кўргазма, йиллик ҳисобот тадбир, маҳсус тадбирларда тарқатиладиган ва бир қатор PR-материалларни ўзида жамлаган муҳим ҳужжат.

Асосий вазифаси ўтказиладиган тадбирга оид батафсил маълумотларни ОАВга тақдим этиш.

Пресс-кит учун минимал маълумотлар:

- пресс-релиз;
- ахборот хати ёки факт маълумотнома;
- дастур, брошюра, корпоратив нашр, йиллик ҳисобот, фотосуратлари билан биографик маълумотлар.

Умуман олганда, пресс-кит тақдим этилаётган ахборотни асословчи, тўлдирувчи, бойитувчи барча воситаларни ўзида жамлаши мумкин. Журналистлар диққатини қаратиш керак бўлган элементлар, алоҳида таъкидлаб берилиш ҳам мумкин. Мавзуга боғлиқ статистик маълумотлар, инфографикалар ҳам киритилади.

Матбуот кити материаллари суд ҳокимиияти, вазирлик, хуқуқ-тартибот органлари бўлинмаси ёки бўлими номини, шунингдек, “пресс-кит” унинг

умумий номи, санаси ва алоқа маълумотларини ўз ичига олган папкада тақдим этилиши керак.

Суд репортажи оммавий аудиторияга муайян судловнинг жамоатчилик аҳамиятини кўрсатиш имконини беради. Суд ҳисботининг энг муҳим мақсади суд жараёнини ёритиш ва муайян муаммога жамоатчилик эътиборини қаратишидир. Адвокатлар ва уларнинг мижозлари қўпинча ўзларига ортиқча эътиборни жалб қилишни хоҳлашмайди, ошкоралик нечоғли кераклигини етарлича баҳолай олмайдилар ва энг асосийси, ана шундай репортажлар тақдим этадиган имкониятдан фойдалана олишмайди.

Суд залларидан тайёрланган репортажлар, бир томондан, бутун тизимнинг шаффоғлигини таъминлайди ва умуман олганда жамоатчиликни хуқуқий можарони ҳал этишга жалб этиш имконини беради.

Судда иштирок этаётган журналист – жамоат аудитори ва жамоатчилик назорати вакили ҳисобланади.

Суд жараёнларини ёритиш, суд мажлисларидан ахборотлар жамиятни суд жараёнларини ўз вақтида боришини кузатиш ва унда билвосита иштирок этиш имконини беради. Бундай ҳолатлар судьяларнинг ўз ваколатларини сустеъмол қилишдан тийилишларига ва максимал даражада очик ишлашларига сабаб бўлади.

Журналистик суриштирув. Суд-хуқуқ органларига тергов қилинаётган жиноят тафсилотлари ёки суд жараёни хақида журналистларга асосий манбадан “биринчи қўлдан” маълумот бериш имконини яратади. Бундай ҳолда, ҳар икки томон ҳам умумий вазифаси ҳақиқий ҳолатни жамоатчиликка етказишдан иборат бўлган ижтимоий шериклар сифатида ҳаракат қиласади.

Пресс-тур – суд-хуқуқ органларига оммавий ахборот воситалари журналистлари орқали ўз фаолиятларидаги янги ўзгариш, тенденция ва ислоҳотларни кўрсатиш имконини беради. Масалан, бир гурӯҳ журналистларга электрон суд жараёнлари қандай ўтказилаётгани ёки турли судлар бир ҳудудда қандай фаолият юритаётганини кўрсатиш мумкин.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Суд-хуқуқ органлари ва журналистлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай тамойилларга асосланиши керак?
2. Журналистлар суд-хуқуқ органлари билан ҳамкорликда нималарга эътибор беришлари керак?
3. Суд-хуқуқ органлари ва журналистлар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали шакл ва услублари ҳақида маълумот беринг.

4. Суд-хуқуқ органлари вакиллари билан интервью ташкил этиш технологияси ҳақида нималарни биласиз?
5. Пресс-релиз тайёрлаш қоидалари нималардан иборат?

5 – МАВЗУ: СУД ЖАРАЁНЛАРИНИ ОАВДА ЁРИТИШНИНГ АХЛОҚИЙ МЕЬЁРЛАРИ

- 5.1. ОАВда суд жараёнларини ёритиш этикаси: хорижий тажриба.**
- 5.2. Ўзбекистон ОАВларида судлар фаолиятини ёритишнинг ахлоқий меъёрлари.**

5.1. ОАВда суд жараёнларини ёритиш этикаси: хорижий тажриба

Журналистларнинг суд жараёнлари ва хуқуқий мавзуларни ёритишида ахлоқий қоида ва меъёрларни бузиш ҳолатларининг сабаблари турлича бўлиши мумкин.

Шинга кўра дунёning кўплаб мамлакатлари журналистлар учун этика кодекслари, журналистлар фаолиятининг ахлоқий меъёрлари ва қоидаларни ишлаб чиққанлар ва қабул қилганлар. Бу кодекс ва қоидаларда суд жараёнларини ёритишида этика масалаларига алоҳида эътибор қратилган.

Шундай қилиб, Германияда **Журналистика тамойиллари (Матбуот кодекси)** да 12.1 махсус Директива (кўрсатма) белгиланган бўлиб, тергов ва суд жараёнини ёритиш тазиқлардан озод бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Суд ҳукми эълон қилингунга қадар гумон қилинувчи айбдор сифатида намоён бўлмайди, яъни айбсизлик презумциясига риоя этилади. Суднинг қарорлари улар оммага эълон қилинишидан олдин ҳеч қандай сабабсиз хабар берилмайди.

13.1. Директивада тергов ва судловга оид материалларни чоп этиш жамоатчиликка жиноят ҳақидаги текширилган ахборотни, у бўйича суриштирув ва судлар томонидан бериладиган ҳуқуқий баҳони тақдим этишини кўзда тутади.

Суд қарори эълон қилинишидан олдин айбланувчига ўз иқрор бўлган тақдирда ҳам айбсизлик презумпцияси принципи амал қиласди. Жиноятга дахлдорлик жамоатчиликка аён бўлса ҳам, айбланувчи суд қарори қабул

қилингунга қадар айбдор сифатида (суд томонидан ҳукм қилиниш маъносида) намоён бўлмайди.

Суд қарори ва бундай тасдиқ олдида судланганликнинг қўйилиши инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий принципларини бузади, бу ҳам жиноятчиларга чекланмаган даражада қўлланилади. Маҳкумларни “матбуотда чиқиш” йўли билан қўшимча оммавий жазолаш бўлмаслиги керак. Шунинг учун ОАВ материалларида гумон ва исбот қилинган айб ўртасида аниқ чегара бўлиши керак. Тергов ёки судлов ҳақидаги танқид ва мулоҳазалар суд жараёнларининг ўзини ёритишдан аниқ ажралиб туриши керак.

Журналистлар учун Дания Миллий ахлоқ кодексида ҳукм эълон қилиниб, якуний эшитув тугагунга қадар иш ҳолатларини қўриб чиқишига халақит бериши мумкин бўлган ҳеч қандай маълумот эълон қилинмаслиги кераклиги белгиланган. Айбланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги ҳақида гапириш ҳам тақиқланади. Жиноят процессида суд репортажини тайёрлашда айбланувчи/судланувчининг ўзини айбдор деб тан олиши ёки олмаслиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Суд репортажига қўйиладиган талаблар тергов жараёнида ва суд эшитувларини тайёрлаш, шу жумладан прокурор томонидан айблов хулосасини тайёрлаш пайтида мажбурийдир.

Суд репортажи холис бўлиши керак. Жараённинг барча босқичларида, судгача тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш босқичларигача журналист томонларнинг жиноий иш юритиш жараёнларидағи айблов ва ҳимоя борасидаги ишончли ва сифатли нуқтаи назарларини ёритиши лозим. Суд жараёни ҳақидаги хабар суд томонидан чиқарилган хабар ҳукми билан тугаши керак: айблов, оқланган ёки судланганликни олиб ташлаш.

Россия суд мухбирлар гильдияси Декларацияси суд очерки, репортажи, журналистик суриштирув жанрларида материаллар тайёрлашда адолатлилик принципи белгиланган. Россия суд мухбирлари айбловни тасдиқлашдан кўра, кўпчиликка маълум бўлган фактлар юзасидан саволлар беришни афзал кўришади.

Айбдорлик ёки айбсизлик ёхуд муайян шахслар фойдасига чиқарилган қарорлар фақат суд томонидан қабул қилинади, бироқ айбсизлик презумпцияси ҳуқуқий жиҳатдан журналистик суриштирувга тўсқинлик қилмайди. Россияда суд мухбирлари ҳукм ўқиш ҳуқуқига эга эмас, аммо уларда айбловни асословчи, далилловчи сабаблар бўлса, айбловни илгари суришлари мумкин.

Халқаро ва хорижий амалиётда ёшлар ёки болалар томонидан содир этилган жиноятлар кўриб чиқиладиган судловларни ёритиш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Пекин қоидалари – вояга етмаганлар ишлари бўйича судлов юзасидан БМТ қоидаларининг минимал стандартларида (Бош Ассамблеяниг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/33 Резолюциясида қабул қилинган) вояга етмаганлар ишларининг конфиденциаллиги барча босқичларда ҳимоя қилиниши керак, очиқлик деб, уларнинг шаънига зарар етишидан эҳтиёт бўлиш лозим. Аниқроғи, жиноят содир этган вояга етмаганларга зарар етказиши эътимоли бўлган ҳар қандай ахборот эълон қилинмаслиги керак.

Германияда Журналистика тамойиллари (Матбуот кодекси)даги 13.2. Директивада ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар ва суд жараёнида уларнинг ўзларини тутишлари ҳақида материал эълон қилаётганда журналистлар уларнинг келажагини ўйлаб, эҳтиёткорона ёндашишлари керак.

Азарбайжон журналистлар касбий этика кодексининг 4.7.бандида шундай белгиланган: “Агар жиноят вояга етмаганлар томонидан содир этилган бўлса, унда маҳсус ҳолатлар бундан мустасно, жиноятчиларнинг исм-ширифлари ва фотосуратлари эълон қилинишидан тийилиш керак”.

Буюк Британия матбуотида жинсий зўравонлик жинояти жабрдийдалари ёки гувоҳлари бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар ҳақидаги маълумотлар, гарчи қонун тақиқламаган бўлса-да, эълон қилиниши мумкин эмас.

Матбуотда жинсий жиноятлар ҳақидаги ҳар қандай материалларда:

- a) боланинг маълумотлари маълум қилинмаслиги;
- b) вояга етганлар бўлса, ёритилиши мумкин;
- c) “инцест” (яқин қариндошлар ўртасидаги жинсий алоқа) сўзини ишлатиш мумкин эмас, агар жинсий зўравонлик қурбони ёш бола бўлса;
- d) айбланувчи ва бола ўртасидаги муносабатларни ёритища эҳтиёкор бўлиш лозим.

Литвия журналистлар этика кодекси эса журналистларга шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва маҳфийлик ҳукуқини ҳимоя қилишга кўрсатма беради. Шу билан бирга, журналист, айниқса, жинсий тажовуз ҳақида гап кетганда, жиноятдан жабрланганлар номларини ошкор қиласлиги керак.

Италия журналистлари эса жинсий зўравонлик жабрдийдаларини ва воқеа деталларини очиб ташлашлари мумкин эмас, фақат, истисно ҳолатда, агар жабрланганлар ўзлари талаб қилишса, ёритиш мумкин.

5.2. Ўзбекистон ОАВларида судлар фаолиятини ёритишнинг ахлоқий меъёрлари

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида суд жараёнларини агар улар очик суд мажлиси бўлса, раислик қилувчи судьянинг рухсати билан журналистлар ва ОАВ вакилларига ёзувлар, фото ва видео тасвирга олишга рухсат берсагина ёритиш мумкин. Конституциянинг 113-моддасига мувофиқ, ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Очиқ судларда ҳар ким қатнашиши мумкин. Шунингдек, давлат сири ёки қатнашчиларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ ёпиқ суд мажлислари бўлиб, унга фақатгина суд раисининг рухсати билангина қатнашиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Конун билан фақатгина журналистларнинг фаолияти мувофиқлаштиради. Блогерлар фаолияти қонун назаридан четда қолади. Аммо шунга қарамай Ўзбекистое Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хукуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хукуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир” деб белгилаб қўйилган.

Айтиш жоизки, оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган материаллар холис, бегараз ва қонуний асосда ёзилган бўлиши кераклигига эътибор қаратилади. Чунки нохолис фикр жамоатчилик ўртасида нотўғри тасаввур шакланишига сабаб бўлиши мумкин. Бинобарин, суд ҳокимияти ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам жамиятда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш йўлида фаолият юритади.

Журналистлар суд-хукуқ мавзусида ахборот беришда баъзи қоидаларга амал қилишлари лозим. Жумладан:

- Ҳар бир таҳририят ўз аудиториясининг хукукий эҳтиёжлари, қизиқишилари ва кутувларини ўрганиб бориши мақсадга мувофиқ;
- Зарур ҳолатларда сукут сақлаш, ахборотни бир томонлама мазмунда бериш, далил исботсиз материал чоп этиш ёки қаҳрамонларга турли салбий мазмундаги ёрлиқларни “ёпиштириш” каби иллатлардан қочиш;
- “айбсизлик презиумцияси”га риоя этиш;
- оммавий аудиторияга тушунарли тилда ахборот етказиб бериш;

➤ ОАВ материаларида фуқароларнинг фикр-мулоҳаза ва қарашларига кенг ўрин бериш, уларни манзилли ва мақсадли тарзда тайёрлаш.

Журналист суд жараёнини ёритар экан, албатта судьядан рухсат олиши зарур. https://my.sud.uz/#/online_service сайтида бевосита судларга электрон шаклда мурожаат қилиш мумкин. Буни суд жараёни бошлангунига қадар амалга ошириш лозим. Агарда судья видео ёки фотосуратга олишга рухсат берса, рухсат ёзма шаклда берилиб, судья бу ҳақида суд жараёни бошида ҳаммага эълон қиласди.

Агарда журналист судьядан интервью олмоқчи бўлса нима қилиш лозим? Судья интервью беришга ўз хоҳиши билан рози бўлса, ҳеч қандай муаммо йўқ. Аммо судьяни бунга мажбурулаб бўлмайди. Суд залида интервью олишга йўл қўйилмайди. Судьялардан интервью олишга тайёргарлик кўриш ва олиш бўйича журналист ҳамда блогерларга бир қатор тавсиялар берилади:

➤ интервьюга тайёрланиш жараёнида судьяни Кодексда кўрсатилмаган ҳуқуқбузарликка унダメаслик учун “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси”ни яхшилаб ўрганиб чиқиш лозим;

➤ судьяга ўзингизни таништириб, интервью қачон ва қайси ОАВда чоп этилишини аниқ айтинг?

➤ саволларни судьянинг шу соҳага масъуллигидан келиб чиқиб тузииш керак. Умумий саволлардан иложи борича қочиш лозим;

➤ судьялар жуда банд бўлади, шу сабабли интервью вақтини олдиндан келишиб, саволларни аниқ тузишга ҳаракат қилинг;

➤ респондентга нисбатан ҳурматда, сабрли бўлиб, очиқ юз, сухбат предметини яхши тушинган ҳолда профессионал даражада интервюни олишга ҳаракат қилинг;

➤ интервью олиш жараёни кўнгилдагидек бормаса, жаҳлингиз чиқмасин. Берган саволингизга жавоб ололмасангиз унга бир неча маротаба қайтишдан уялманг;

➤ судья ҳали ёпилмаган ишни шарҳлашга ҳақли эмаслигини унутманг!

Шунингдек, журналист суд жараёнида ўзини қизиқтирган саволлар билан адвокатга ҳам мурожаат қилиши мумкин. Аммо у гувоҳ ёки жабрланувчининг унга ишониб айтган маълумотларини, гувоҳ ёки жабрланувчининг розилигисиз, ошкор этишга ҳаққи йўқ. Адвокат тергов сирини сақлаши лозим. Шунингдек, адвокатлар ўз ҳамкасларининг фаолияти ҳақида гапиришдан тийиладилар.

Баъзан журналистлар ҳалқ маслаҳатчиларидан суд залида интервью олишга ҳаракат қилишлари мумкин. Аммо бу мумкин эмас. Аввало, иш

якунланиб, хукм ўқилгунга қадар халқ маслаҳатчилари билан алоқага киришиш тақиқланади. Уларни фақатгина хукм ўқилаётгандагина умумий планда сурат ёки видеога тушириш мумкин.

Суд тизимида фаолият юритувчи репондентлардан интервью олиш ҳам мумкин. Сұхбат жараёнида нафақат юз-чеҳранинг ҳолати, ўзини тетик тутиш, тирноқ ва соchlарнинг олингандаги, балки кийимлар ва улар ҳолатининг ҳам, бу кийимларда ўзини эркин тута билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Интервью олишда сұхбатдошни эътибор билан эшлиши мухим аҳамият касб этади. Сұхбатдошини оғир вазиятда эшина билиш ўзаро тушунишнинг омили ҳисобланади:

- ✓ сұхбатдошнинг асосий фикрларини ўзи учун ажратыб олиш ва уларни түғри тушунишга ҳаракат қилиш;
- ✓ олингандык маълумотни ўзидаги шахсий маълумотлар билан тезгина солишириш ва йиғилиш, баҳс, сұхбатнинг асосий мазмунига тезлиқда хаёлан қайтиш;
- ✓ сұхбатдошни эшлиши унинг фикрларини идрок қилиш, мағзини чақиши ва тушунишни ўз ичиға олади.

Умуман олганда, суд жараёни иштирокчилари билан сұхбат жараёнида журналист сұхбатдошини сабр билан тинглаши, гапларининг маъносини тушунишга ҳаракат қилиши лозим. Сұхбат жараёнида ахлоқий маънода журналист қуидагиларга мажбур:

- ✓ сұхбатдошга нисбатан шахсий майл ёки турли тахминларни унудиши керак;
- ✓ хулоса ва баҳо берішга шошилмаслик лозим;
- ✓ фактлар, уларнинг түқнашуви ва хулосаларни фарқлаш олиш лозим;
- ✓ аниқ ва лўнда мулоқотга эришиш лозим.

ОАВ ходимлари ва журналистлар суд залидан репортаж тайёрлашда қуидаги ахлоқ қоидаларига амал қилишлари лозим:

- ✓ суд жараёни қатнашчиларининг шахсий маълумотларини ОАВ ёки ижтимоий тармоқларда ошкор этмаслик;
- ✓ вояга етмаганларни уларнинг ота-оналари рухсатисиз сурат ёки видеога олмаслик ва тарқатмаслик;
- ✓ зўравонлик қурбонига айланган вояга етмаганлар ҳақидаги, уларнинг шахсини аниқлаштиришга хизмат қиласидиган маълумотларни, яъни фамилияси, исми, унинг фото ёки видеосурати, ота-онаси ёки васий шахс маълумотлари, овозининг аудиоёзуви, иш ёки ўқиш жойининг манзилини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда тарқатмаслик.

Хуқуқбузарликларнинг қурбони бўлган вояга етмаганлар ҳақидаги маълумот фақатгина учта ҳолатда ошкор этилиши мумкин:

- агарда 14 ёшга тўлмаган, вояга етмаган шахснинг ота-онаси ёки васий шахснинг ёзма розилиги бўлса;
- агарда унинг ота-онаси ёки васий шахси болага нисбатан ҳуқуқбузарликни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган бўлса;
- агарда катталарнинг розилигини олишни имкони бўлмаса. Масалан, вояга етмаган шахснинг ота-онаси боласига нисбатан ҳуқуқбузарликни содир этган бўлса.

Ҳар бир журналист доим ёдда тутиши керак: Ҳукм ўқилиб, кучга кирмагунича ҳеч бир инсонни жиноятчи деб аташ мумкин эмас.

Судда иши кўрилаётган шахс жиноят содир этилганидан бошлаб, турли хил босқичларда турлича айтилади:

- ҳибсга олинган (ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилиниб, ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинган шахс);
- гумон қилинувчи (ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилиниб, унга нисбатан жиноий ёки маъмурий иш қўзғалтилган шахс);
- айбланувчи (айбланувчи сифатида жиноий ишнинг терговига жалб этилган, ёки бевосита жиноят содир этган ва ҳибсга олинган шахс);
- судланувчи (садир этган ҳуқуқбузарлиги бўйича суд тайинланган шахс);
- судланган (унга нисбатан айбловчи ҳукм чиқарилган шахс);
- оқланган (унга нисбатан оқловчи ҳукм ўқилган судланувчи).

Журналист суд жараёнларини ёритишда қўйидаги ахлоқий қоидаларга риоя этиши мақсадга мувофиқ:

- судланувчининг миллати, ирқи, жинсидан қатъий назар ҳуқуки ва шаънини хурмат қилиш;
- ёритаётган материалларида ҳар бир қаҳрамонни тасвирлашда холислик, беғаразлик тамойилларига риоя этиш;
- ҳуқуқий атамаларни билиш ва уларни тўғри, ўзининг асл маъносида қўллаш;
- суд жараёнига аралашмаслик;
- вояга етмаган судланувчи шахсларни уларнинг ота-онаси ва васий шахсининг рухсатисиз ошкора этмаслик;
- суд ҳукми чиқмай ва кучга кирмай туриб ҳеч кимни айбламаслик;
- жисмоний камчилиги бор инсонларни уларнинг айби бўйнига қўйилиб, ҳукм ўқилган бўлсада, нуқсонларини тилга олиб айбламаслик;
- “Айбиззлик презумпцияси”га риоя этиш;
- судьянинг рухсатисиз ишга халақит бериши мумкин бўлган, гувоҳ ёки судланувчини қораловчи ёки оқловчи аудио ёки видео ёзувларни қўймаслик;
- шахснинг шахсий ҳаётига аралашмаслик;

- суд жараёни ёки инсон шахси ҳақида асосланмаган миш-мишларни тарқатмаслик;
- ҳамкасларнинг шаъни, қадр-қиммати, профессионал маҳоратини ҳурмат қилиш;
- ҳақиқатни тижорий-реклама, партия, лавозим манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда ўзгартириб бермаслик;
- жиноий иш бўйича журналистик суриштирув материалларидан шахсий манфаатлардан фойдаланмаслик;
- муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш ва плагиатдан қочиш;
- инсон ҳиссиётлари устидан кулмаслик, ҳақорат қилмаслик;
- жабрланганларнинг интервьюсини уларнинг рухсатисиз эълон қилмаслик;
- тергов жараёнида аниқланган, зўравонлик қурбонига айланган аёллар, ёш болаларнинг ўта мудхиш видео ва фотосуратларини бермаслик лозим.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Германияда суд жараёнларини ёритишида қандай ахлоқий меъёрлар белгиланган?
2. Россия суд мухбирлари қандай қоидаларга амал қилишади?
3. Британиялик журналистлар вояга етмаганлар жинояти билан боғлиқ суд тафсилотларини ёритишида нималарга эътибор беришади?
4. Ўзбекистонда суд жараёнларини ёритишида журналистлар қандай ахлоқий қоидаларга риоя этишлари керак?

6-МАВЗУ: СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖУРНАЛИСТИК СУРИШТИРУВНИНГ РОЛИ

- 6.1. Журналистик суриштирув: моҳияти, вазифалари ва имкониятлари.**
- 6.2. Журналистик суриштирув жамоатчилик назоратини таъминловчи самарали восита сифатида.**
- 6.3. Журналистик суриштирувни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси.**

6.1. Журналистик суриштирув: моҳияти, вазифалари ва имкониятлари

Журналистик суриштирув мураккаб жанр. У жуда ҳам кўп вақт, кузатувчанлик, қатъийлик, сабр билан ишни охиригача етказиши талаб қиласди.

Журналистик суриштирув – бу журналистнинг ташаббуси билан тайёрланадиган таҳлилий журналистик материал бўлиб, одатда алоҳида шахслар ёки ташкилотлар томонидан сир сақланиши исталган мавзуларни фош этишга қаратилади. Янги факт ва маълумотларга бой, жумбоқли воқеа-ходисаларни тадқиқ этишга бағишланадиган “журналистик суриштирув” институти журналистика соҳасида омма эътиборини тортадиган энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Журналистик суриштирув учта муҳим элементга асосланади: журналист бошқа бирор олиб бормаган изланишни олиб боради; суриштирув мавзуси муштариyllар, тингловчилар, телетомошибинлар, интернет фойдаланувчилари учун, умуман, жамоатчилик учун анчагина муҳим; бошқалар текширилаётган фактни жамоатчиликдан яширишга уринишади. Шунга кўра, бу усул кўпинча “ташаббускор журналистика” (enterprise journalism) ҳам дейилади.

Журналистик суриштирувнинг моҳиятидан келиб чиқиб унга хос бир қанча жиҳатларни таърифлаш мумкин:

- журналистдан узоқ вақт ва катта иқтидор талаб этувчи муайян мавзуни белгиланган муддат давомида тадқиқ қилиш;
- муаммони муайян режа асосида очиб бериш;
- диққат-эътиборни фақат танланган битта муаммога йўналтирилган тарзда иш олиб бориш;
- иллатларни фош этишнинг бир усули;
- муаммо, қоидага кўра, илк бор тақдим этилади;

- йифилган ва қайта ишланган ҳар бир материал оригинал бўлиши – у ҳеч қачон иккиламчи манбалар ва расмий ахборотларга оид мишмишлар натижасига асосламаган бўлиши талаб этилади.

Журналистик суриштирув билан шуғулланаётган журналист ҳали хом материалини пишириш учун турли интервьюлар, фактлар, далиллар йиғади. Журналистнинг изланиши кундалик ишлари тугагандан кейин бошланади.

Керакли ахборотга эга бўлиш – суриштирувнинг мақсади ҳисобланади. У жамият ҳайтига тегишли исталган мавзу бўлиши мумкин.

Журналистик суриштирувнинг мақсади – ҳокимият ва бизнес тузилмалари ўртасидаги ноқонуний ва яширин алоқалар, уюшган жиноятчиликни фош қилиш, мамлакат, минтақа, ҳудуддаги ижтимоий, иқтисодий ҳолат, йирик ишлаб чиқариш ёки бизнес обьектлар фаолиятини шаффоф қилиш ҳисобланади.

Жиноятга қарши суриштирувлар одатда жамиятни ларзага келтирган қотиллик, сиёсий, экологик, иқтисодий жиноятлар, бола ўғирлаш, одам савдоси, террорчиллик ҳужумлари, қурол-яроғ контрабандаси, гиёхванд моддаларнинг ноқонунний айланиши, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан амалга оширилади.

Журналист суриштирувининг бошқа жанрлардан фарқи шундаки, аввало журналист очмоқчи бўлган ишнинг бирор-бир сири бўлиши керак. Сир бўлмаган жойда суриштирув ҳам бўлмайди. Сир албатта ижтимоий характерда бўлмоғи лозим. Сир журналист томонидан очилиши ва материал учун зарур маълумот ҳам айнан журналист томонидан тўпланиши лозим. Аксарият журналистлар суд ҳисботларини олиб, материал тайёрлашади ва буни журналист суриштируви деб аташади. Бу нотўғри. Журналист жиноий иш материалларидан фойдаланган тақдирда ҳам мустақил равишда гувоҳлар, судланувчи, терговчи, прокурор билан сухбатлашмоғи, ишга оид ҳужжатларни ўрганмоғи лозим. Баъзида терговчи топа олмаган нарсаларни журналист топиши мумкин. Рус олимни В.Ворошиловнинг фикрича, “суриштирув жуда ҳам кўп ахборот манбаларига таянилган ҳолда ёзилади: одамлар, ҳужжатлар, шахсий кузатув. Суриштирув материали холислик тамойилларига мос келиши учун зиддият томонларининг фикрлари билан биргаликда нейтрал томоннинг фикр ва муоҳазаларини келтириш мақсадга мувофиқдир. Бу жиноий иш очилган соҳанинг мутахассислари, эксперtlар бўлиши мумкин.

Фарғона вилояти журналистлар ижодий уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов амалиётчи сифатида суриштирув жанридаги муаммоларга алоҳида урғу қаратади . Унинг фикрича, журналист суриштируви муаллифдан ғоят чуқур ва ҳар томонлама билим талаб қиласиди. Бу жанрда ижод қилишда соф қалбнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларга

хукуқий кафолат, ахборот таъминотида кўмак, муҳаррир қўллови ҳам керак. Цензура бекор қилинганинг ўзи журналист учун хукуқий кафолат бўла олмайди. Ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият” бўлиш, давлат бошқарув институтлари фаолияти, барча даражадаги амалдорларнинг коррупцион ҳаракатига қарши самарали курашиш учун журналистнинг қонунда кафолатланган хукуқлари кенгайтирилиши лозим.

Журналистиканинг вазифаси ҳукм чиқариш эмас. Журналистика ижтимоий адолат қарор топиши учун хизмат қиласди. Унинг мезонларини эса жамият белгилайди.

“Журналист ҳукуқ посбонлари ваколатини ўз зиммасига олмасин. Унинг вазифаси жиноятчини тутиш эмас, балки жиноий хатти-ҳаракатга ошкоралик бериш, муаммони таҳлил қилиш, ечими ҳақида таклифлар киритишидир.

Журналистик суриштирувда қандай имкониятлар мавжуд?

Жамоатчилик учун:

Аудитория бошқа ҳеч қаердан топиб бўлмайдиган, ишончли, шу билан бирга, уларнинг ҳаётига таъсир кўрсатадиган ахборотларни ёқтиришади. Бу ижтимоий ҳаётга, иқтисодиёт ёки шунчаки одамлар майший эҳтиёжлари учун фойдаланадиган маҳсулотларга оид ахборотлар бўлиши мумкин. Асосийси, одамлар ҳаётида ўзгаришлар бўлсин. Шунинг учун эсда тутиш лозимки, журналистик суриштирув – бу фақат маҳсулот эмас, балки одамларнинг ҳаётини янада хавфсиз, мазмунли қилиш ва уни яхшироқ ўзgartiriшига қаратилган фаолиятдир.

Маълум бир медиа канал учун:

Профессионал даражада журналистик суриштирув олиб бораётган ОАВ бу борада ўз мавқенини мустаҳкамлаши, яхшигина даромад кўришлари ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистондаги бир қатор интернет нашрлар, жумладан, [kun.uz](#), [gazeta.uz](#), [daryo.uz](#) ва бошқа шу кабилар арсеналида бир-биридан жиддий, салмоқли журналист суриштирувлари бўлиши билан бирга, реклама берувчиларнинг яхшигина таклифларига ҳам эга. Бундан ташқари, медиа бозорнинг йирик иштирокчилари бу каналларга турли чалкаш вазиятларда объектив суриштирув олиб боришлари учун ҳам тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Суриштирув ўтказувчи журналист:

Иzlаниш, суриштирув журналистнинг профессионал жиҳатдан анчагина ўсишини таъминлайди. У бошқалар унга тайёр ҳолда ахборотларни тақдим этишларини кутиб ўтириш ўрнига, ўзининг ҳақиқатга эришиш қобилиятига ишонч ҳосил қиласди. У кўркувни енгишни ўрганади. Дунёга бошқача чукур нигоҳ билан қарай бошлайди.

6.2. Журналистик суриштирув жамоатчилик назоратини таъминловчи самарали восита сифатида

Журналистик суриштирув жамоатчилик назоратининг энг кенг тарқалган шаклларидан бири ҳисобланади. Журналистик суриштирувнинг фундаментал асоси ҳуқуқий жиҳатдан қонунлар билан кафолатланган – давлат органлари фаолиятига оид ахборотларга эга бўлиш ҳуқуки ва сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуки.

Бугун “журналистик суриштирув” – “журналистик текширув” жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий ва ўз ўрнида самарали усулларидан бирига айланди.

Мақсад ва вазифаларига кўра, журналистик суриштирув шартли равишда журналистнинг жамият учун номаълум ёки яширингандек факларни режали излаши ва ҳақиқатни эълон қилиши, дейиш мумкин. Ушбу амалиётдан фойдаланиш оммавий ахборот воситасининг нуфузини ортишига, халқ эътиборини қозонишига ёрдам беради. Чунки жамият доим кўпчилик учун номаълум ёки яширилган маълумотларни билишга қизиқади.

Журналистик текширув материалларини чоп этишга ихтисослашган “The Philadelphia Inquirer” нашрининг собиқ муҳаррири Жин Робертс: “Суриштирувнинг моҳиятида бирор бир сиёsatчини шарманда қилиш ёки маълум қонун бузилишини аниқлаш эмас, балки ўқувчининг тобора мураккаблашиб бораётган дунёда нималар бўлаётганини англаб этиши учун фактларни топиш ётади”, – дейди. Буюк Британиялик таниқли журналист Дэвид Ренделнинг фикрига кўра эса, “Журналист суриштируви бу — репортёрлар ўтказадиган тадқиқотдир”. Хорижда бу йўналиш “investigative journalism” дейилади.

Журналистиканинг мураккаб, масъулиятли ва баъзан хавфли жанри ҳисобланган журналистик суриштирувни амалга оширишдан олдин ҳар томонлама пухта тайёгарлик кўриш лозим. Бунда, аввало, журналистларнинг ҳатти-ҳаракатларини кафолатловчи қонун хужжатлари билан яхши танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки текширувни ўтказиш жараёнида ҳар бир ҳатти-ҳаракат бошқа шахсларнинг ҳуқуqlари бузилишига олиб келмаслиги лозим. Акс ҳолда журналистни кўнгилсизликлар кутади. Эҳтиёткорлик муҳим жиҳатлардан бири бу жараёнда.

Шунингдек, журналист суриштирувни амалга оширишда журналистика соҳасининг сири, яъни ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган маҳфий хабар, факт ёки воқеалар ва маълумотларни манбанинг розилигисиз ошкор этмаслик принципига амал қилиши лозим. Журналист ушбу талабга фақат қонун билан белгилаб қўйилгани учун эмас, балки ижтимоий масъулият нуқтаи назаридан ҳам амал қилиши керак. Нима

учун ахборот манбаи ихтиёрий равишда айнан журналистга маълумотларни ошкор қилмоқда? Бунинг сабаблари бор, албатта. Аксарият ҳолларда ахборот манбаи журналистга тақдим этаётган маълумоти билан жамоатчиликни қандайдир қонунбузилиши ёки ноодатий воқеадан хабардор этиши орқали ўз наздидаadolatни тикламоқчи эканлиги, бироқ шахсни ошкор этиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳис этган ҳолда ёндашади. Ва бундай вазиятда ахборот манбаи ошкор қилмоқчи бўлган маълумоти билан бевосита шуғулланишга масъул шахслар борлигидан қатъи назар, ишонч билан уни журналистга тақдим этаяпти. Шунинг учун, ахборот манбанинг журналистга бўлган ишонч омили журналистика соҳасининг сирини саклашда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, жамият ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар устидан фаол жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва очиқлик принципи жамиятнинг барча соҳаларига кириб боришида журналистик суриштирув институти катта аҳамиятга эга. У ўз хусусиятга кўра, оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият ҳаётида мустаҳкам ҳокимият сифатида ўрин эгаллашида муҳим ўрин тутади.

6.3. Журналистик суриштирувни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси

Журналистик суриштирув учун долзарб ва аудитория учун қизиқарли мавзуни қаердан топши мумкин? Қандай муаммонинг суриштируви билан шугулланган маъқул? Мавзуни ҳамма ердан топса бўлади. Ҳамма гап уни кўра олишда! Мутахассислар бир фикрни уқтирадилар: Эслаб қолинг: алоҳида ҳолатларни эмас, доимий содир бўлаётган ҳолатларни излаш керак.

Энг оммабоп мавзулардан бири – коррупция мавзусидир. Бунда бирор бир тизим, ташкилот ичидаги ёки унинг атрофидаги коррупцион ҳолатлар мисол бўлиши мумкин. Аммо бу журналистик суриштирувнинг ягона манбаи эмас. Кенгроқ маънода мансабни сустеъмол қилиш, ноқонуний равишда давлат ваколатларидан фойдаланиш ҳолатлари, жамият гуруҳлари ўртасидаги тенгсизлик,adolatsizliklar, умуман олганда, журналистик суриштирув учун долзарб ва қизиқарли мавзу топман десангиз, атрофда содир бўлаётган жараёнларга синчков нигоҳ ташлашнинг ўзи кифоя. Ёки энг оддий усувлардан бири Googlening қидирув тизими бўладими, Twitter хештеги ёки Facebookдаги гурух, Интернет ижтимоий тармоқлари сизга оригинал мавзу, янги тадқиқотлар натижаси, мулоқот йўллари ва суратларни топишга кўмак беради. Бироқ

ижтимоий тармоқлар ҳам, Интернет ҳам журналистларга янгича мушкулликлар пайдо қилаётганини ҳам ёдан чиқармаслик зарур. Ахборотни қўлга киритиш осон бўлиши мумкин, аммо сиз воқеа чиндан ҳам юз берганига ва одамлар ҳақиқийлигига ҳосил ишонч қилишингиз лозим.

Буларга анъанавий журналистик тадқиқот йўллари ўрнини босадиган эмас, бу йўлларни янада кенгайтириш имкониятини берадиган воситалар сифатида қаралгани афзал.

Журналистик суриштирувнинг ўзига хос ғояси энг долзарб муаммоларни тезроқ илғай оладиган, синчков журналистлар томонидан етказилиши мумкин.

Суриштирув ўтказища биринчи манбадан (жабрланувч ёки унинг оиласи ва ҳ.к.) олинган маълумотлар аҳамиятли бўлиши мумкин. Аммо бу ўринда бирор кимса ёки гурухнинг қўлида қурол бўлиб хизмат қилишдан эҳтиёт бўлиш керак. Нима учун буни сизга етказишаётгани ҳақида ўйланг!

Шунингдек, ижтимоий тармоқлар ҳам, хусусан, Facebookдаги “Халқ билан мулоқот”, “Потребитель.уз” каби гурухлардаги, Телеграм каналлардаги xushnudbek.uz, davletovuz, rais buva, ekologuz, troll.uz каби блогерларнинг саҳифаларида қўтарилаётган ижтимоий муаммолар журналистик суриштирув учун яхшигина материал бўлиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда кузатиб борадиган шахсларга оид ўз рўйхат шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Одатда оммавий ахборот воситалари ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик ёки ички цензура туфайли жамият учун ўта муҳим воқеаларни беришга журъат эта олмайди. Лекин бундай пайтларда ижтимоий тармоқлар муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишининг яна бир муҳим усули сиёсатчилар, парламент аъзоларининг ижтимоий тармоқлардаги фаолиятини кузатиб боришидир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда амалдорлар, шунингдек, халқ вакиллари ижтимоий тармоқларда тобора фаоллашиб бормоқда. Бу, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъruzасидаги танқиддан сўнг анча жонланди. Давлат раҳбари депутат ва сенаторлар ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор этиб бориш учун Интернетда, ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очиб, зарур маълумотларни уларга киритиб боришлари лозимлиги, дунёдаги қўпгина мамлакатлар аллақачон шу тизимга ўтганини таъкидлаган эди.

Сўнгги йилларда жуда кўплаб мамлакатларда мулк, хўжалик субъектлари ҳақидаги маълумотлардан иборат очик маълумотлар, корпоратив маълумотлар порталларини ташкил қилиш авж олмоқда. Бу бир томондан давлат ва жамиятнинг очиқлик ҳамда транспарентлик тамойилларини қарор топтиришга бўлган интилишини кўрсатса, иккинчи томондан коррупция, яширин хукуқбузарлик

холатларига қарши курашиш самарадорлигини оширмоқда. Жамоатчиликнинг босими остида ҳукуматлар кўчмас мулк, автомобиллар ва бизнесларга доир очик маълумотлар базасини яратмоқда. Бундай маълумотлар базаларини мунтазам кузатиб бориш орқали журналистлар мансабдор шахсларнинг ноқонуний бойишига оид журналистик суриштирувларини тайёрлашлари мумкин .

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ очик маълумотлар кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машинада ўқиладиган форматда Интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот ҳисобланади .

Ўзбекистонда <https://data.gov.uz>, <https://openinfo.uz>, <https://stat.uz>, <http://xarid.uz> сингари интернет ресурслардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, Давлат хизматлари агентлиги томонидан <fo.birdarcha.uz>, <my.gov.uz> порталлари орқали рўйхатдан ўтган санадан тортиб, бошқарувчи тўғрисида маълумот, агар юридик шахслар ҳақида гапирадиган бўлсак, муассислар ва уларнинг устав жамғармасидаги улушига тегишли мавжуд маълумотларни автоматик тарзда тақдим этади. Сиздан фақатгина тегишли тадбиркорлик субъектининг СТИР-рақамини киритиш талаб этилади.

Bellingcat суриштирув тармоғининг журналисти Эрик Толер, очик манбалардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: "...агарда биз суриштирувимизда очик манбалардан фойдалансак, биз ўзимиз ва аудиториямиз ўртамиизда шаффофликни таъминлаймиз. Агарда биз амалдор хусусида материал тайёрлаётган бўлсак, ўқувчиларимиздан бири бизнинг далилларимизни нотўғри деб ҳисобласа, улар биз фойдаланган ўша очик манбаларга кириб, далилларни текшириб кўришлари мумкин". "Информационная культура" нодавлат агентлигининг директори Иван Бегтин суриштирув учун қуйидаги инструментларни ажратиб кўрсатади: "Журналист суриштируви учун бугунги кунда зарур бўлган инструментлар бу Excel, Google Docs, IBM ManyEyes, Wordle ва бошқалардир. Бу жиноятга оид суриштируви сиёсий муаммолар бўйича журналист текширувими ҳаммасига мос келади", – дейди у. АҚШ журналистлари ўртасида бугун Microsoft Excel ва Microsoft Access жуда ҳам машҳурдир. Excelдаги жадваллар маълумотларни саралаш учун жуда ҳам қулай. Айнан Excelда маълумотларни таққослаш, саралаш, сўнгги аниқ маълумотни ҳисоблаб чиқариш мумкин. Accessдаги жадваллардан эса катта ҳажмдаги маълумотларни саралаш, уларни ягона жадвалга бирлаштириш учун фойдаланган маъқул.

Эслатиб ўтиш ўринлики, тор соҳага ёки мавзуга ихтисослашиш суриштирув мавзусини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Суд жараёнларини ёки ички ишлар идоралари ҳисботлари асосида тайёрланадиган янгиликлар мунтазам кузатиб борилса, ушбу соҳаларга тааллукли суриштирувларни мукаммал даражада

режалаштириш мумкин. Бундан ташқари, узок йиллар давомида тор йўналишга ихтисослашиш мазкур мавзуларда ахборот тақдим эта оладиган манбалар ва эксперtlар билан яқиндан мулоқот ўрнатиш имконини беради. Бу эса суриштирувнинг жонли ва кучли чиқишига ёрдам беради.

Журналист суриштирувига қизиқаётган ёш журналистларга иккита муҳим жиҳатни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Журналистларга хос қизиқувчан бўлинг. Модомики, сизда қандайдир ноқонуний деб ўйлаган ҳаракатга нисбатан қизиқиши пайдо бўлса, кўпроқ билишга ҳаракат қилинг. Қайд қилиб боринг, ахборотни текшириб, мавзуга қайтиб туринг. Журналист ўз хоҳиши билан олиб борган суриштирувлар ҳар доим муваффақиятли чикқан.

2. Бошқа журналистлар, ҳамкаслар қандай суриштирув олиб бораётганини, материаллари қандай чиқаётганини билан ҳам мунтазам кузатиб боринг. Чунки сизу биз яхши журналист суриштируви устида ишлашни энди-энди бошлаётган бўлсак, бошқалар аллақачон бу мавзуда ўнлаб мақолалар тайёрлаган бўлиши мумкин. Ёқтирасангиз ҳам таникли журналист-суриштирувчиларнинг ижодини кузатиб боринг, бу сизга ҳар доим ёрдам беради.

Журналистик суриштирувни ўтказишни режалаштириши. Танланган мавзу юзасидан журналистик суриштирув ўтказиш учун ҳатти-ҳаракатларни бошлаш лозим бўлади. Бунинг учун аниқ режа тузиб, унга мувофиқ ҳаракат қилиниши лозим.

1. Суриштирув мавзусига айланган ахборотнинг ҳаққонийлигини текшириш.
2. Суриштирув гипотезасини қуриш.
3. Вазифа ва ресурсларни аниқлаш.
4. Даилилларни тўплаш.
5. Мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш.
6. Репортаж. Интервью.
7. Эълон қилишдан олдин фактларни яна бир бор текшириб олиш, фактчекинг қилиш.
8. Материалнинг таъсирини мониторинг қилиш.

Журналистик суриштирув ўтказишга зарурат қуидаги саволларни тутғидиради:

Сиз фош қилгач жамиятда қандайдир ижтимоий ўзгаришлар кутиладими?
Бу мавзу материал тайёрлашга арзийдими?

Тайёрланган материал ниманингдир ижобий томонга ўзгаришига ёрдам берадими?

Журналистик суриштирув олиб боришга киришган журналист минимум мақсадга эришиш учун максимум ҳаракат қилиши керак. Мутахассислар

шундай фикрни билдирадилар: Унутманг, сиз нимани билишингиз ҳақида эмас, нимани исбот қила олишингиз ҳақида ёзишингиз керак.

Журналистик суриштирувнинг айрим қийинчиликлари бўлиши табиий. Вақт масаласи, ишнинг ташкилий томони, ҳукуқий жиҳатлари, ахборот манбаларини қидириб топиш, улар билан мулоқот ва бошқа шу каби масалалар. Суриштирувни мукаммал даражада якунлаш учун унга етарли вақт керак. Шунингдек, ишнинг ҳукуқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Журналистнинг ҳукуқий билимларга эгалиги, унинг хавфсизлигини ҳам бирмунча таъминлайди.

Хозирги даврда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет журналистлар, ОАВ ходимлари учун янги инструментларни тақдим этаяпти. Журналист суриштируvida ҳам онлайн инструментлардан фойдаланиш алоҳида аҳмиятга эга.

Журналист суриштирувини тайёрлашда онлайн инструментлар журналист ишини осонлаштиради. Ушбу инструментлар суриштирув мавзусини топиш, манбаларни текшириш, ҳужжатлар, далилларни тўплаш ва саралаш имконини беради. Шулардан бир нечтасини кўриб чиқиши мумкин:

Hunter.io – алоқа рақамларини кузатишга ёрдам беради. У электрон почта манзилини кўрсатилган домен орқали топади. Масалан, давлат органи домени орқали (фамилия, исм @ компания.uz). Шундан сўнг Email Verifier инструменти орқали мазкур манзил ишлайдими ёки йўқми яна бир текшириб кўриш мумкин.

IntelTechniques – ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларни топишга ёрдам беради. Сизни қизиқтирган шахснинг ижтимоий тармоқлардаги хатти-харакати, фаолияти билан танишиш, Facebook фойдаланувчиси лайк қўйган ва уни белгилашган барча фото ва видеоларни кўриш имконини беради.

InVID – видеода ишлаш, униншг манбасини кўрсатиб берувчи сизни қизиқтирган кадрлар, метамаълумотлар, миниатюралар ва бошқа маълумотларни олишига имкон яратади.

Sqoop – ижтимоий тармоқлар ва бошқа онлайн ресурсларга қўйилган суд баённомалари, суд жараёнига тегишли материалларни миллий доменларда топишга ёрдам беради. Агарда дастурга обуна бўлинса, у журналистларни қизиқтирган янги ҳужжатларни эътиборингизга ҳавола этади. Дастурдан фойдаланиш журналистлар учун бепул бўлиб, қолганлар ундан фойдаланиш учун ойига пул тўлашлари лозим.

Botometer – сиз интернетда мулоқот жараёнида онлайн сұхбатдошингиз кимлигини, яъни реал инсонми ёки йўқми, эркакми аёлми билмайсиз. Америка дастурчилари томонидан яратилган Botometer дастури Twitterдаги фейк аккаунтлар, ботларни топишга ёрдам беради.

Burner – конфиденциаллик ва хавфсизлик барча журналистларни ўйлантиради. Сиз ўз хабарларингизни қанчалик кодламанг, VPNдан

фойдаланманг, барибир интернетда изингиз қолади. Хавфсизликнинг энг мақбул усули бир маротабалик телефон рақамидан фойдаланишдир. Burner сизга Канада ёки АҚШнинг “телефон рақами”ни атиги 5 долларга тақдим этади. Фойдаланиб бўлингач, рақам буткул ўчирилади.

Oligrapher дастуир натижаларни визуаллаштириш ва нашр этиш имконини беради. Oligrapher дастури алоҳида шахслар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик схемаларини аниқлашга ёрдам беради. Буни бутун дунё бўйлаб миллионлаб ташкилотлар ҳақида маълумотларга эга бўлган LittleSis маълумотлар базаси томонидан тақдим этиладиган ахборотдан фойдаланган ҳолда амалга ошириш қулайдир. Агарда сизни қизиқтирган шахс ёки ташкилот ҳақида маълумотлар бўлмаса, улар ҳақидаги ахборотни маълумотлар базасига журналистнинг ўзи кўшиши мумкин.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

- 1.** Журналистик суриштирувга хос хусусиятларни таснифланг.
- 2.** Жамоатчилик назоратини таъминлашда журналистик суриштирув қандай имкониятларга эга?
- 3.** Журналистик суриштирув мавзусини қандай танлаш мумкин?
- 4.** Журналистик суриштирувни режалаштириш босқичлари ҳақида нима дея оласиз?
- 5.** Журналистик суриштирувни олиб боришда ёрдам берадиган қандай онлайн инструментларни биласиз?

7-МАВЗУ: ЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

- 7.1. Журналистлар дуч келадиган хатарлар.**
- 7.2. Журналистлик фаолият хавфсизлиги омиллари.**
- 7.3. Хавфсизликнинг гендер жиҳатлари.**

7.1. Журналистлар дуч келадиган хатарлар

Маълумки, ОАВ, хусусан, журналистлар очиқ ва демократик жамиятни шакллантиришда фундаментал роль ўйнайди ва улар максимал ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Аммо бугунги кунда журналистлар ҳаёти ва фаолиятига бўлган таҳдидлар асло камайгани йўқ. Аксинча, уларнинг тури ва қўринишлари кўпайиб бормоқда. Айниқса, Интернетда ва автоном тузумда журналистлар турли хавф-хатарларга ҳамон дуч келмоқда. Журналист фаолиятида хавфсизлик масаласи ҳам ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Экстремал ҳамда тинч вазиятларда ҳам журналистнинг қасбий ва ҳаёт хавфсизлигига таҳдидлар доимий амалга оширилади.

Ҳар йили бутун дунёда юзлаб журналистларга нисбатан зўравонлик ишлатилади, босим ўтказилади, таҳдид қилинади, яна ўнлаб журналистлар эса қасбий фаолиятлари йўлида жон фидо қиласидилар. Халқаро ҳамжамият томонидан 2012-2017 йиллар мобайнида 627 нафар журналист террор, уруш, сиёсий ва ижтимоий мунозаралар қурбонига айланганлиги қайд этилган. 1990 йилдан шу кунга қадар дунё бўйлаб ўлдирилган журналистлар сони 2500дан ошади. 2018 йил ҳам журналистика соҳасининг ўнлаб вакилларини орамиздан олиб кетди. Айнан 2018 йил – журналистлар ўлими бўйича рекорд даражасига кўтарилилган йил бўлди. Журналистика ҳақиқат ва адолат қарор топишидаги қимматли бир бўғин эканлигини ҳисобга олсан, юқоридаги рақамларнинг даҳшатини тўла ҳис қила оламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2013 йилги Бosh Ассамблеясида **2 ноябрь – Журналистларга нисбатан таҳдидларнинг жазосиз қолишига қарши курашиши куни** деб эълон қилинди. Бу сана 2013 йил 2 ноябрда Малидаги сиёсий инқирозлар вақтида ўлдирилган иккита француз радиожурналистлари Гулшан Дюпон ва Клод Верлон хотирасига танланди

Журналистика йилдан йилга жамиятнинг хатарли соҳаларидан бирига айланиб борар экан, журналистлик фаолият давомида юзага келадиган таҳдидлар эҳтимоли ва кўламини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Журналистнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш нафақат унинг ўзи учун,

балки унинг иш берувчиси, яъни нашр ёки телерадиоканал фаолияти, шунингдек, жамият учун ҳам долзарбдири. Журналист фаолиятини муҳофаза қилиш масаласи кўп йиллардан бўён ҳалқаро ташкилотлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамиятларнинг дастурларидан ўрин олган муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Улар томонидан журналистлик фаолиятига қилинадиган таҳдидларни баҳолаш ва олдини олиш, хавфли худудларда, қалтис вазиятларни ёритаётган эркин журналистлар, мухбирлар, фотожурналистлар, бошловчиларнинг дахлсизлигини таъминлашга доир кўлланма, мажмуа ва бошқа адабиётлар нашр қилинмоқда. Уларнинг кўпчилигига журналист фаолиятининг ҳуқуқий муҳофазаси хатарли жойларда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун етарли эмаслиги, журналистнинг шахсий тайёргарлиги муҳим эканлиги таъкидланади.

Журналист ҳаёти ва хавфсизлигига дахл қилиниши мумкин бўлган жараёнлардан бири бу журналист суриштирувидир. Бирор бир жумбоқли ҳолат, сиёсий ёки ижтимоий ҳодисанинг номаълумлигича қолаётган жиҳатларига ойдинлик киритишга бел боғлаган журналистнинг ҳатти-ҳаракатлари кимнингдир манфаатига зид келиши тайин. Бу эса аксарият ҳолларда суриштирув олиб бораётган журналистга нисбатан таҳдид, зўравонлик ва ҳатто, ҳаётига дахл қилишгача олиб боради. Жаҳон журналистикаси тарихида бундай ҳолатларга мисоллар бисёр.

Рус журналистлари Владислав Листев, Анна Политковскаялардан кейин ўз шиҷоатлари, касбиға муҳаббати йўлида яна кўплаб журналистлар қурбон бўлди.

2018 йилда словакиялик журналист Ян Кучакнинг қаллиғи билан бирга ўз уйида отиб кетилиши дунё ҳамжамиятини ларзага солди. Ян анча вақтлардан бўён ҳукуматдаги коррупция ва даромадни яшириш ҳолатлари бўйича журналистик суриштирув олиб бораётган эди. Бу албатта, кимнингдир жигига теккан бўлиши табиий.

Ёки малталик жасур журналист 53 ёшли Дафна Каруана Галисиянинг машинасига ўрнатилган бомба оқибатида ҳалок бўлиши ҳам журналист суриштируви олиб бораётган журналистларнинг ҳаёти нақадар хатар остида эканлигига яққол далилдир. Дафна ҳалок бўлгунига қадар Мальта ҳукуматидаги коррупция ҳолатлари ҳақида изланиш олиб бораётган эди.

42 ёшли Дмитрий Попковнинг ўлими эса ҳамон сирлигича қолмоқда. Россия ҳукуматидаги зўравонлик ва коррупция ҳақида ўз газетасида туркум мақолалар чоп этган Попков 2017 йил номаълум шахслар томонидан ўз дала ҳовлисида отиб кетилган. Албатта унинг ўлими юзасидан жиноий иш кўзғатилган, бироқ аксарият ҳолларда бўлгани каби бу иш ҳам ёпиқлигича қолиб кетди...

Юқоридагига ўхшаш яна бошқа кўплаб мисоллардан амин бўлишимиз мумкинки, журналистик суринширув олиб бораётган журналистларнинг ҳаёти қайноқ уруш нуқталардан репортаж узатадиган ҳамкасларидан кўра кўпроқ ҳимояга муҳтождир. Зеро, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиши керак бўлган органларнинг ўзи ҳаётларига дахл қилиши бугунги давр учун ғайритабиий ҳодиса бўлмай қолди. Шундай экан суринширув олиб боришга аҳд қилган журналист ўз ҳаётини муҳофаза қилувчи чораларни ҳам имкон қадар кўриб қўйиши керак бўлади.

Суд-хуқуқ мавзусини ёритадиган журналист қўйидаги хавф-хатарларга учраши мумкин:

- таҳдид ва хужумлар;
- турли қўринишдаги таъқиблар;
- профессионал ускуна ва воситалар – телекамера, микрофон, видео ёки аудио ёзувли кассета, диск, флешка, мобиль алоқа телефони ва бошқа шу кабиларнинг олиб қўйилиш ёки мусодара қилиниши;
- босма ёки бошқа турдаги ахборот муҳрланган анжомларнинг олиб қўйилиши;
- визуал кузатув, турли электрон воситалар орқали кузатув, ахборотни тортиб олиш;
- турли хил мақсадларда, хусусан, сиёсий мақсадда ўғирлаб кетиш;
- танага жароҳат етказиш, тажовуз (жинсий зўравонлик), жиноий ҳаракатлар;
- туҳмат, хужжатларни ўғирлаш;
- ноқонуний ҳаракатлар қилишда ёлғон айбловларни тўнкариш;
- обрўсизлантириш, шаънини топташ;
- йўл-транспорт ҳодисаларини уюштириш;
- табиий оғатлар: довул, бўрон, ер қимирлаши ва бошқалар;
- касалланиш хавфи

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг бемисл тараққиёти, инсоният учун улкан қулайликлар яратиши билан бирга янги “ахборот хавфсизлиги”, “рақамли хавфсизлик” каби тушунчаларни юзага келтирди. Фаолияти бевосита ахборот билан боғлиқ оммавий ахборот воситалари, хусусан, журналистлар хавфсизлиги муҳим масалага айланди. Ҳозирги кунда журналистларга нисбатан таҳдидлар ҳам янги қиёфа касб этиб, замонавийлашиб бормоқда. Кечагина журналист учун кимсасиз қўчада номаълум кимсалар томонидан дўップосланиш, таҳдидли хатлар ёки телефон қўнғироқлари касбий фаолиятига тўсқинлик қиласидиган омил саналган бўлса, бугун ҳақоратлар ва таҳдидлар онлайн шаклга кўчган. Жамиятга фаол хизмат кўрсатаётган, ўз интернет блоги, ахборот каналига эга журналистларни

қидириб топиш, фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш ва таҳдид қилиш жудаям осон бўлиб қолди. Бундай хавфларнинг барчасини жамлаб битта ибора билан **рақамли таҳдидлар** деб атаемиз.

Таҳдиднинг янги, рақамли кўриниши қўйидагиларда намоён бўлмоқда:

- журналистларнинг шахсий компьютерлари ва бошқа алоқа воситаларига хакерлик тажовузлари уюштириш;
- электрон почта орқали янги илова кўринишидаги вируслар жўнатиш;
- телефон орқали олиб борилган сұхбатларни эшлиши ва электрон почталарини кузатиши;
- Интернет блоглари, сахифалари, каналларини бузиб кириб эгаллаш ва журналистнинг кириш имкониятини чеклаш ва бошқа АҚТ имкониятлари билан ҳолатлар.

7.2. Журналистлик фаолият ҳавфсизлиги омиллари

Журналистнинг ҳавфсизлиги кўп ҳолларда ўзига боғлиқ бўлади, унинг мавзу танлаши ва ахборотни қандай, қайси йўл билан йиғишига қаратилади. Уни ҳеч ким ҳавфли мавзуни ёритишга мажбурлай олмайди. Суриштирув олиб бораётган журналист диққат билан қонун талабларига риоя этиши, муносабатларни чегараловчи ахлоқ меъёрларига, ахборот манбаалари ва ахборот берувчи шахсларни оммавий ахборот воситалари аудиторияси олдида жавобгар эканини доим ёдда тутиши даркор.

Журналист суриштируви давомида ўзининг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим. Шахсий ҳавфсизлигини ҳар доим ҳам таъминлай олмаслиги мумкин. Лекин ҳавф даражасини қайсиdir маънода камайтиришга эришса бўлади. Ҳар қандай суриштирув олиб бориш жараёнида қайси томондан унга нисбатан агрессив босим ўtkазилиши мумкинлигини аниқлаши керак. Чунки журналистик суриштирув олиб борилар экан, бу баъзи бир шахсларга, соҳа вакилларига ёқмаслиги тайин. Чунки ҳамма ҳам ахборот беришни ва ўзи истамаган ахборотларни ошкор қилишни хушламайди. Суриштирув олиб борадиган журналистнинг ҳар бир сўзи ўзига қарши ишлаши мумкин. Бу жараёнда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Журналист суриштирувининг энг оҳанграболи жиҳати – оммадан яшириб келинган ахборотнинг фоши қилиншиидир.

Журналистик суриштирув олиб бораётган журналистларнинг ҳаёти қайноқ уруш нуқталардан репортаж узатадиган ҳамкасбларидан кўра кўпроқ

ҳимояга муҳтождир. Зеро, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиши керак бўлган органларнинг ўзи ҳаётларига дахл қилиши бугунги давр учун ғайритабиий ҳодиса бўлмай қолди. Шундай экан суриштирув олиб боришга аҳд қилган журналист ўз ҳаётини муҳофаза қилувчи чораларни ҳам имкон қадар кўриб қўйиши керак бўлади.

Журналистлик суриштируви режасини ишлаб чиқар экан ҳар қандай журналист қуидагиларга амал қилиши зарур:

- Суриштирув жараёнида дуч келишингиз мумкин бўлган хавфларни баҳоланг ва тайёргарлигингизни текширинг.
- Ҳамиша фавқулодда вазиятларда боғланишингиз мумкин бўлган шахслар, ракамлар ва боғланиш йўлларини белгилаб олинг.
- Ўзингиз билан яқинларингизга таниш буюм ва хужжатларингизни олиб олинг. Қариндошларингиз ҳар қандай ҳолатда ҳам сизни таний олиши учун. Шу билан бирга улар билан парол ёки кодлар белгилангки, боғланганингизда фақат сиз ва улар тушунадиган хабарни етказа олишингиз мумкин бўлади.

Хўш, суриштирув олиб бориш давомида журналистга нималар ва ёки кимлар хавф туғдиришини қандай белгилаш мумкин? Аввало, журналистлик суриштируви нимадан иборатлигига аниқлик киритиш лозим:

- ✓ воқеа ҳодисани чуқур ва кенг миқёсда таҳлил қилиш;
- ✓ хужжатларни ўрганиш, одамлар ёки ташкилотлар томонидан қилинган қайдлар, аудио ва видео ёзувлар билан ишлаш;
- ✓ кенг миқёсли интервьюлар уюштириш;
- ✓ жиноятни фош этувчи усувлардан фойдаланиш: яширин репортажлар тайёрлаш, яширин кузатув камераларини ўрнатиш, аудиоёзувлар уюштириш;
- ✓ кенг афкор оммадан яширишга уринилаётган ахборотларни фош қилиш;
- ✓ ахборот тўплаш ва жамиятнинг эътиборини жалб қилиш.

Юқоридаги вазифаларни адo этиш чоғида журналистнинг ҳатти-ҳаракатлари кимга нокулайлик туғдириши мумкинлигини ҳам белгилаб олиш лозим. Булар қуидагилар бўлиши мумкин:

- хукумат;
- хавфсизлик хизматлари;
- тижорат ташкилотлари;
- сиёsatчилар;
- жиноий гуруҳлар;
- муҳим ахборот манбалари (гувоҳлар, иштирокчилар);
- бошқа журналистлар.

Юқоридагилар томонидан тазъиикқа ёки руҳий босимга учраган журналист ўзини қандай ҳимоя қилиши мумкин? Албатта, энг аввало, қонун ёрдамида ҳимоя қиласи. Зотан журналистлар хуқуқини ҳимоя қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида миллий қонунчиликда бир қатор хужжатлар қабул қилинган. Хусусан, “**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**”ги, “**Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида журналистнинг ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш, ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш хуқуқига эгалиги белгиланган.

Суд-хуқуқ органлари журналистнинг ўз касбий фаолиятини амалга оширишида унинг хуқуқлари ҳимояси, уларнинг шахсий дахлизлиги муҳимлигидан ўз тизими ходимларини хабардор қилиши лозим.

Журналистнинг ҳаёти ва хуқуқлари қонун билан ҳимояланиб ва бу қонун барча ҳудудларда бир хилда ишлаб бошлагандагина сўз, эътиқод ва фикр эркинлиги ҳақида гап бориши мумкин. Бунда журналистдан ҳам етарлича хуқуқий билим ва малака талаб этилади. Журналистлар эркинлигини таъминлаш, ҳаёти ва фаолиятини ҳимоя қилишда давлат ва ҳокимият органлари муҳим ўрин тутади. Журналист ва унинг фаолиятига қарши қилинган таҳдид ва хуқуқбузарликларга қонуний чоралар кўрилмас экан, оммавий ахборот воситаларини ҳимоя қилиш сиёсий аҳамиятга эга муҳим масала бўлиб қолаверади.

7.3. Хавфсизликнинг гендер жиҳатлари

Замонавий дунёда аёл журналистларга нисбатан таҳдид ва тажовузлар кундан кунга ортиб бормоқда. Нафақат “қайноқ нуқталар”да, балки тинчлик хукмрон демократик жамиятларда ҳам уларга нисбатан таҳдидларнинг гендер хусусиятлари долзарб масалага айланган.

Сўнгги йилларда журналистларга нисбатан тажовузлар хатарли гендер хусусиятларни акс эттираяпти. Айниқса, аёл журналистлар ва блогерлар жинсий зўравонлик таҳдидларига кўп дуч келмоқда. Бундай таъқибларнинг гендер характеристики жинсий тажовуз билан қўрқитиш ва бу тасвиirlарни оммавий тарқатвориш таҳдиidi билан аёлларнинг “овозини ўчириб қўйиш”га қаратилган таҳқирловчи ҳолатларни ўзида ифода этади. Бу ҳодиса жамиятда ҳам салбий ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлади. Жисмоний зўравонлик таҳдиidi ва қўрқуви ахборотнинг таркиби ва уни узатишга жиддий таъсир

қилади. Аёл журналистларни жим туришга мажбур қиладиган бундай таҳдидларни эса оқлаб бўлмайди, унга нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг эътибори ҳам ортиши лозим.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг № 2222-сон Резолюцияси эса айнан шундай гендер хусусиятлари жиҳатидан хавфсизликка чақиради: “Журналистлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва уларга тегишли ходимлар касбий фаолиятлари туфайли кўпинча турли хавф-хатарга учрайдилар, айниқса, қуролли тўқнашувлар шароитида....шундан келиб чиққан ҳолда уларнинг хавфсизлигига гендер хусусиятлари алоҳида эътиборга олиниши керак.”

Шунга қарамай, медиа муҳитда фаолият олиб бораётган аёл журналистлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Журналистларга нисбатан таҳдидларнинг гендер хусусияти асосан аёл журналистларга қилинадиган жинсий зўравонлик тажовузи билан характерланади.

Аёл журналистларнинг фаолият олиб боришларида гендер хусусиятга кўра бир қанча тавсиялар берилади:

- ❖ Аёл журналистлар ўзлари билан хавф-хатарлардан ҳимояланиш учун барча зарурий воситаларни олишлари керак;
- ❖ бормоқларида никоҳ узугининг борлиги ҳам аёлларга нисбатан кутилиши мумкин бўлган ноҳушликларни олдини олиши мумкин дейилади;
- ❖ аёл мухбирлар ҳам ҳар доим маҳсус бош кийимда юришлари;
- ❖ шимнинг камари енгил ёки камарсиз бўлиши ва оёқ кийимнинг боғичсиз бўлиши;
- ❖ турли хил тақинчоқларни тақиши ва сочни юқорига турмаклаш ҳам тавсия этилмайди;
- ❖ шунингдек, эксперталарнинг тавсиясига кўра, аёл мухбирларнинг тор жинси шим, тор кўйлак, юзларидаги пардоз, қимматбаҳо тақинчоқлар, ҳамкаслар билан қучоқлашиб кўришишлар, ортиқча кулиш ёки табассум қилиш нотўғри талқин қилиниб, ортиқча эътиборни тортиши ва ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин экан.
- ❖ репортёр аппаратуруси ҳам ихчам, жовонга сифадиган, енгил бўлиши тавсия этилади.
- ❖ мумкин қадар аёллар ёнида доим аэрозоль дезодарантнинг бўлиши, ундан эса зарур ҳолатларда потенциал агрессорга нисбатан қурол сифатида фойдаланишлари мумкинлиги айтилади.

Зиддиятли вазиятларга табиатан ўчлик, адолатсизликка нисбатан исёнкорлик, ҳарбий ҳаракатларга қизиқиши, инсонлар ҳақида қайғуриш каби мотивлар аёл журналисларнинг “қайноқ нуқталар”га сафарга отланишга ундейди. Аммо бундай вазиятларда профессионаллик, гуманитар ҳуқуқ нормаларидан хабардорлик, ҳимоя воситаларидан фойдалана олиш, сугурталаниш, руҳий барқарорлик, чидамлилик каби хусусиятларга эга бўлишлик талаб этилади.

Барча ҳолатларда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг журналист ҳаёти ва фаолиятини, хавфсизлигини таъминлашдаги роли катта. Ҳарбий, сиёсий кучлар “қайноқ нуқталар”ни ёритишда мухбир, фотографлар учун ўзига хос медимайдон яратиб беришади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам журналист ўз ҳаёти учун жавобгар шахс ҳисобланади.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1. Журналистлар ўз қасбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида қандай таҳдидларга учрайди?**
- 2. Журналист қандай хавфсизлик қоидаларига риоя этиши керак?**
- 3. Журналист томонидан тўпланган ахборотлар, материаллар хавфсизлигини таъминлаш учун нималарга эътибор бериш керак?**
- 4. Аёл-журналистларга таҳдидларнинг турлари нимаси билан фарқланади?**
- 5. Аёл-журналистлар ўз қасбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида қандай хавфсизлик қоидаларига риоя этишлари керак?**

ХУЛОСА

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва модернизациялашда оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаол ҳисса қўшмоқда. Оммавий ахборот воситалари уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ОАВда суд репортажлари, журналистик суринширувлар эълон килиб борилиши мунтазамлик касб этмоқда.

Хозирги кунда замонавий жараёнлар, суд-хуқуқ тизимидағи ўзгаришларга мослашадиган, тезкор, мобиль реакция қила оладиган, юқори касбий малака ва кўникмаларга эга кадрларни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Нафақат хуқуқшунослик, балки унинг турли тармоқлари, йўналишларини – суд амалиётидан тортиб адвокатура, нотариал соҳа ҳамда энг сўнгги замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда.

Бугун мамлакатда суд корпуси фаолиятининг ижтимоий аҳамиятига баҳо бериш, уларнинг очиқлиги, ривожланиш динамикаси, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда турли ижтимоий институтлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги катта ҳажмдаги ахборот, маълумотларни кенг жамоатчиликка осон ва қулай, тушунарли тарзда етказиш учун датагурналистика имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, барча соҳаларда, шу жумладан суд-хуқуқ тизимида ҳам туб ўзгаришлар жараёнида камчилик ва хатолар учраб турибди, аммо улар кўпинча ўз манфаатларини жамоатчиликдан устун қўядиган айрим мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги, эҳтиётсизлиги ёки лаёқатсизлиги туфайли содир бўлмоқда.

Шу сабабли ҳам суд-хуқуқ тизимининг ривожланишига тўқинлик қилувчи ҳолатлар ҳакида оммавий ахборот воситалари орқали ўз вақтида жамоатчиликни хабардор қилиш ва муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини излаб топиш зарур.

Бу борада жамиятда хуқуқ, қонунийлик ва адолат устуворлигини таъминлаш мақсадида суд-хуқуқ органларининг оммавий ахборот воситалари ва журналистлар билан самарали ва teng ҳуқуқли ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Суд-хуқуқ журналистикаси ва суд тизими фаолияти устидан жамоатчилик назорати соҳасидаги келгуси муваффакиятлар кўп жиҳатдан журналистларнинг касбий малакаси, маҳорати ва интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш билан ҳам боғлиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. ЎРҚ-431-сон 31.05.2017. <https://lex.uz/docs/3221763>
3. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-369-сон 05.05.2014. <https://lex.uz/docs/2381133>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуни. Т., 2001.
5. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-474-сон 12.04.2018. <https://lex.uz/docs/3679092>
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. ПФ-4966-сон 21.02.2017. <https://lex.uz/docs/3121087>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017?phrase_id=4120242
9. Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати: миллий амалиёт ва хорижий тажриба. <https://www.sud.webmaster.uz/uz/sud-okimiati-faoliati-ustidan-zamoatcilik-nazorati-millij-amaliet-va-horizij-tazriba-548>
10. Ўсаров О. Оммавий ахборот воситалари ва суд ҳокимияти муносабатлари: Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. Монография. - Т.: Yurist media-markazi, 2013
11. Уиллмен Дж. Журналистские расследования: современные методы и техника. Пер. с англ. – М.: Виоланта, 1998. – С.12.
12. Маматова Я.М., Сулайманова С.Р. В поисках истины: факторы эффективности журналистского расследования в Узбекистане.-Т.: Экстремум пресс, 2015

- 13.** Журналистское расследование. История метода и современная практика. СПб., 2001. б. 13
- 14.** Қосимова Н., Тошпўлатова Н. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. Ўқув қўлланма.- Т.: ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси, 2014.
- 15.** Косимова Н.С. СМИ и судебно-правовая реформа. – Т.: ЦПЖ, 2020
- 16.** Хидиров Қ. Коррупцияга қарши курашишдаги оммавий ахборот воситаларининг роли. Қўлланма.–Т., Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси. 2018, 68 б.
- 17.** <https://unesco.exposure.co/her-name-was-daphne-caruana-galizia>
- 18.** Dr. Michael Foley and others/Model Course on Safety of Journalists, UNESCO and the International Federation of Journalists, 2017